O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 4 май, № 85 (3884) Пайшанба

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлди.



Покистон заминида минг йиллар мобайнида турли цивилизациялар алмашиб келган. Эрамиздан бир неча асрлар аввал Хараппа цивилизацияси ҳукм сурган бу юртда ҳозир ҳам орий, юнон, араб, турк ва инглиз саркардаларининг изларини топиш мумкин. Бу заминга Искандар, Чандрагупта, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Мирзо Бобурнинг оёғи теккан.

Покистонликлар табиатида шарқона мушоҳада яққол сезилиб туради. Бу мушоҳада замирида шарқона вазминлик бор. Ана шу вазминлик орқали мушоҳада донишмандликка айланади. Исломобод Осиёдаги, айрим маълумотларга кўра, дунёдаги энг катта масжидга — Шоҳ Фейсал масжидига эга бўлгани ҳолда, ҳалиҳануз кенгайишга ошиқмаётгани, аввалги бошкент Карачидек тевараатрофни ўзига сингдириб юбормаётгани ҳам ўзига хос вазминлик белгисидир.

Буларнинг барчаси Покистон баайни Ўзбекистон сингари ғоят бой тарихга эга эканлигидан, халқларимиз чуқур тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланганидан далолат беради. Мисол тариқасида Мирзо Бобур мероси халқларимизнинг умумий мулки саналишини айтиш мумкин. Айни кунларда аждодларимиз давридаги маданий қадриятларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни ўрганиш юзасидан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилаётгани дунё халқаро муносабатлар тизимидаги ноёб ҳамкорлик алоқаларидан бири эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи тарихий муштараклик асосига қурилган икки томонлама муносабатларни ҳозирги давр руҳи ва талаблари даражасида ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан ўтказилган яккама-якка суҳбат ва икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган тартибдаги музокара ўзаро муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Исломобод мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда Покистон раҳбарияти бу мамлакатда 2005 йил 8 октябрда бўлган зилзиладан кейин Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни жуда қадрлайди. Ўзбекистоннинг бундай елкадошлигига миннатдорлик ташриф асносида Президентлар имзолаган Қўшма баёнотда ҳам ўз аксини топган.

Шу омилларни инобатга олиб, Ўзбекистон билан Покистон ўртасида мустаҳкам ишонч ва самимий ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хил эканлиги сафар асносида бир неча бор қайд этилди.

Президентлар хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу мавзу бевосита Афғонистондаги вазиятга бориб тақалиши равшан. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро террорчилар икки мамлакатга ҳам узоқни кўзловчи мақсадлар билан ҳужумлар уюштирган. Ислом Каримов айтганидек, ҳар қандай тараққиёт замирида тинчлик ва барқарорлик ётади. Афғонистонда хавфсизлик муаммоси ҳал этилмас экан, у ерда давлатчиликни тиклаш, халқ хўжалигини оёққа турғазиш, инфратузилмани ривожлантириш қийин кечади. Афғонистондаги беқарорлик эса Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатларидан иборат макроминтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро нуқтаи назарни мувофиқлаштириб боришга келишиб олдилар. Жумладан, БМТни ислоҳ қилиш масалаларида баҳамжиҳат иш кўриш ҳамда минтақавий ва халқаро миқёсдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга қодир бўлган ШҲТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар маъқулланди.

Музокараларда минтақавий транспорт-коммуникация лойиҳаларини ижро этиш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга келишиб олинди.

Сир эмаски, Покистоннинг Карачи ва Гвадар бандаргоҳлари Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари маҳсулотларини дунё бозорларига чиқариш учун яхши восита бўлади. Шу билан бирга, Покистондан Марказий Осиёга савдо йўлини ривожлантириш ҳам минтақалараро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон — Покистон савдо-иқтисодий муносабатларига келсак, 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортди, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошди. Аммо Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги савдо ҳажми ҳали имкониятлар даражасида эмас.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес-форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисобкитоб ишларини соддалаштириш учун банклараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Энергетика манбалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетик хавфсизлик масаласи кундан-кун долзарблик касб этиб бораётган ҳозирги даврда бу йўналишдаги алоқалар Ўзбекистон ва Покистонга муқаррар фойда келтиради.

Музокараларда Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини назарда тутиб, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашувлар ниҳоясида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида Қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Хабиб банк лимитед» ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, кўплаб халқаро муаммоларга Ўзбекистон ва Покистоннинг муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

— Музокаралар очиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтди, самарали кечди, — деди Ислом Каримов. — Ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этдик ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Қатор халқаро масалаларда қарашларимиз яқин ва ўхшаш, айниқса, хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга борасида ҳамфикрмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Покистоннинг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф террорчиликка қарши кураш янги тактикани тақозо этаётганини, бу борада баҳамжиҳат ҳаракат қилингандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бу алоҳида бир давлатнинг иши эмас, — деди Покистон Президенти. — Хавфсизлик органлари яқин ҳамкорликда ишлаши, ахборот алмашиши лозим. Аввало, террорчиликнинг молиявий манбаларига барҳам бериш зарур.

Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлаган Парвез Мушарраф ҳамжиҳатлик асосида турли масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорлар ишлаб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон — Покистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Томонлар фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сармоявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси (парламентнинг қуйи палатаси) раиси Чаудри Амин Ҳусайнни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш давлатлараро муносабатларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Чаудри Амин Ҳусайн мамлакатимиз раҳбарини ташрифнинг самарали натижалари билан қутлаб, Покистон Миллий ассамблеяси Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг федерал сув хўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида сув-энергетика мажмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссиянинг фаолият кўламини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. У шунисси билан аҳамиятлики, ҳозиргача 26 ҳужжат билан тартибга солиб келинган ўзаро муносабатлар эндиликда янги суръат билан ривожланади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, эришилган сиёсий келишувлар давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлайди. Иқтисодий битимлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини бойитади. Бир сўз билан айтганда, бу ташриф Ўзбекистон ва Покистонни бир-бирига янада яқинлаштирди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Исломобод-Тошкент.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашув пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасининг балиқ ресурсларини ҳуқуқий бошқариш" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикасида сув ва балиқ ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалаларини муҳокама этди ва бу вазифа миллий қонунчилик ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилаётганини таъкидлади. Айни пайтда трансчегара сув манбаларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, балиқ ресурсларини ҳимоя қилиш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш, халқаро нормаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Муҳокама чоғида мутахассислар, олимлар, сув хўжалиги ходимларининг эътибори истеъмол тузилмалари томонидан сув ва балиқ ресурсларидан фойдаланишда бозор тамойилларини қўллаш, уларни ҳимоя қилиш, табиатни муҳофаза этиш тадбирларини ўтказишга қаратилди.

Сувга оид муаммоларни муҳокама қилишда Орол денгизи ҳавзасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирилган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати иштирокчилари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, табиий сув ҳавзаларида яшаётган балиқ ресурсларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, сув сервитутини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурлигини таъкидлади, ушбу соҳада қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид аниқ таклифларни ишлаб чиқди.

Тадбирда сенаторлар, олимлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари, балиқчилик хўжаликлари ташкилотлари ходимлари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(ЎзА).

«Умид ниҳоллари - 2006»



МАШЪАЛА ҚАРШИГА ЙЎЛ ОЛДИ

Мамлакатимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими жорий этилганига бир неча йил бўлди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан асос солинган мазкур тадбирларга биноан мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақаларини ўтказиш анъанага айланди. Барча ёшларни қамраб оладиган бу каби оммавий спорт мусобақаси ҳали дунё тажрибасида кузатилмаган.

Бугун Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари—2006" спорт мусобақалари бошланади. Кеча мусобақа машъаласи Паркент туманида жойлашган "Физика — Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурлари ёрдамида ёндирилди. Шу муносабат билан эрталаб институтда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, спортчилар иштирокида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз мадҳияси янграйди. "Умид ниҳоллари — 2006" ўқувчи ёшлар спорт мусобақалари машъаласини эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони Диана Мирзараҳманова майдонга олиб киради. У машъалани Паркент туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Азизбек Шомировга топширади. Шундай қилиб машъала жорий йилда ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлайдиган Қарши шаҳрига йўл олди.

Паркентдан Қарши шаҳригача машъала олиб бориладиган йўналиш 791 километрни ташкил этади. Таниқли спортчилар йўлни автокортежларда, бир қисмини эса пиёда босиб ўтишади. Уларни йўлларда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ва 5600 нафар ўқувчи кутиб олади ва кузатиб қўйишади. Бу галги машъалани олиб боришда илгаригиларидан фарқи шундаки, жойларда қисқа муддатли спорт ўйинлари бўлиб ўтади.

Спортчиларимиз машъалани "Умид ниҳоллари — 2006" спорт мусобақаларининг очилиш маросимига етказиб боришади.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИГА САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ БОСҚИЧИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ўзлигимизнинг шаклланишида қадим-қадимлардан маҳалла оқсоқолларининг кўмаги катта бўлган. Ўтган асрда маҳалланинг роли пасайиши ҳисобига кўпгина ибратли мероссларимиз унутилаёзди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллийлигимизни қайтариш йўлида жуда муҳим ишлар қилинди. Шулардан бири фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкил этилганлигидир. Бугунги кунда уларга кенг ваколатлар берилди. Жумладан, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари мустақил иш юритиши амалдаги қонунларда белгиланди.

Мамлакат Президенти И. А. Каримов парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида ҳам маҳалла — қишлоқ фуқаролар йиғинларини ролини ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Зеро, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш масаласи демократиянинг ажралмас қисми. Чунки, у ҳокимиятни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган юртимизда маҳаллалар, фуқаролик йиғинларининг энг демократик бошқарув усули ва тизими сифатидаги ўрни ҳамда таъсири кенгайиб, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб бориши, табиий. Мамлакатимиз келажагининг буюклигини, фуқароларимизнинг тинчлигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни беқиёслиги ҳаммамизга маълум.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифалари ва ваколатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинган.

Шу кунларда тобора қизғин тус олаётган сайловни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида 2004 йил 16 апрелда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун илк бор амалда қўлланилаётгани боис у ҳақда тўхталишни маъқул кўрдик.

Жумладан, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида 18 ёшга тўлган сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар ихтиёрий иштирок этадилар ва овоз берадилар. Уларнинг хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашларига таъсир этишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бошқа сайловларимиздаги каби очиқ-ошкора ўтиши учун барча ҳуқуқий меъёрлар мавжуд.

Ушбу сайлов ташкил қилиниши жараёнида бу тадбир ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар камида 5 кун олдин хабар қилинади, овоз бериш якунларидан воқиф этилади.

Бундан ташқари, мазкур қонун талабига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар олий маълумотли ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиш лозим.

Фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиси лавозимига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиш учун фуқаролар йиғини (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчисини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Унинг шакли, яъни, очиқ ёки яширин овоз бериш фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилаётганда, ҳар бир номзод учун таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб қўл кўтариб овоз берилади. Яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда эса, сайлов иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари тарқатилади. Бюллетенга номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилади. Мазкур бюллетенлар яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи ўзи танлаган номзоднинг фамилиясини ўчиради ва сайлов қутисига ташлайди.

Сайловдаги овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида 3 кишидан иборат саноқ комиссияси сайланади. Овозлар саноқ комиссияси томонидан ҳар бир номзод учун алоҳида санаб чиқилади. Бу ҳақда баённома тузилиб, саноқ комиссияси раиси ва аъзолари имзо чеккач, комиссия раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Хуллас, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўз вақтида бир маромда амалга ошириш сайловнинг муваффақиятли ўтишига имкон яратади. Ўз навбатида, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимизни сайловда фаол иштирок этиб, ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга ҳамда шу билан жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишга даъват этамиз. Зеро, мазкур сайлов жараёни жамиятимизни ислоҳ этиш ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш жараёнида алоҳида босқич бўлиб қолиши турган гап.

Баҳритдин НОРХЎЖАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг раиси, Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятларидан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир».

(Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунидан).

«ТАЛЛИМОРОН»НИНГ ОЛТИН ТУПРОҒИ

Ангор туманидаги «Таллиморон» маҳалласининг фуқароси, ўқитувчи Давлат Хўжаёров «Мустақиллик» деган сўзни алоҳида урғу билан тилга олади. Бундан 14 йил аввал ҳамкишлоқларига у қизиқ гап айтган эди. Шу пайтгача бизни бошқариб келишди. Энди Мустақил бўлдик. Энди ўзимизни ўзимиз бошқарамиз, деганди.

Ҳар ким, «Бошқа бировнинг мен билан иши бўлмасин. Ўзимга ўзим бек» деб турса, тарқоқлик, ўзбошимчалик болалаб кетмасмикин деган шубҳаларга, Хўжаёров, аксинча, аҳиллик, маҳалла равнақи учун бир ёқадан бош чиқариб ишлаш қарор топади, деб жавоб қилганди.

Ҳар бир оила — бир хўжалик. Қўлидан иш келадиган ҳар бир одам шу хўжаликнинг ишчиси. Хўжаликни бекорчилик ё олифтачилик билан эмас, фақат меҳнат билан обод қилиш мумкин. Демак, томорқа бизнесини ривожлантирмоқ лозим.

Маҳалла оқсоқолларининг ана шу қарори ҳаммани кўнглига ўтирди. Иш излаб узоқ юртларга отланмоқчи бўлганлар сафар халталарини елкадан тушириб қўлларига кетмон тутдилар. Кунларни телевизор томошаси билан ўтказувчи қайсар ўғил қарам чопаётган кекса отасининг қаватига қўшилди. Оқсоқоллар тунги гап-гаштак ишқибозларининг даврасига кириб бордилар. Нақ март ойида пишиб етилиши мумкин бўлган эртаги сабзавотларнинг даромадларини уларга ташвиқот қиладилар.

Ишонинг, «Таллиморон» маҳалласида ҳозир биттаям ишсиз йўқ. Ва улар томорқаларининг ҳар бир сотихидан ўртача юз минг сўмдан даромад олишмоқда.

Бир мисол: Жумагул Хўжақулова деган уй бекаси бизга томорқаларидаги узунлиги ўттиз қадамча бўлган 18 эгатни кўрсатди. Шу жойда эртапишар карамни плёнка остида етиштирган эканлар. Маҳсулотларини куни кеча сотиптилар. Бир ярим миллион сўм бўпти.

Энди, Давлат Хўжаёровнинг, ҳов, меҳнат аҳиллик, биродарликни мустаҳкамлайди, деган гапини тўғрилигини тасдиқловчи яна бир қўшимча мисол: Жумагул опалар — қўллари қисқароқ одамлар: эри Бобоназар Жавлиев — ногирон. Ўғли Акром узоқроқда ишлайди. Карамни узишда шошиб қолганларини кўриб 17-мактабнинг 9-синф ўқувчилари уларга ёрдамга келишипти. Тасодифни қарангки, ҳашарнинг устида камераларини қулайлаб аллақайси телестудиянинг ходимларими пайдо бўлиб қолишипти-да, жисмоний тарбия дарсидан болаларни нега чалғитяпсиз, деб директорни бурчакка олишмоқчи бўлишипти. Ва гапнинг тагига етишгач, меҳмонлар ҳам қора қўзойнакларини четга олиб қўйиб, ҳашарга қўшилишипти.

— Шу уч-тўрт йил ичида одамларимиз томорқа бизнесидан қадди бастиларини тиклаб олишди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Хўжаёров. — Ҳозир ҳар икки хонадоннинг биттасида Асаканинг машиналари бор. Янги уйлар қуряпмиз. Гузарларимиз, ошхоналаримиз, тегирмонларимиз, бозорларимиз ишлаб турипти. Ўз-ўзини бошқариш дегани бу ўз-ўзини обод қилиш, эл олдида ўзингни кўрсата билиш, ғурур билан яшаш дегани экан.

Оқсоқоллар ҳамроҳлигида биз маҳалланинг футбол стадионига бордик. Ҳафсалани қарангки, ўйингоҳни «Таллиморон»ликлар Тошкентнинг «Пахтакор» стадионидан андоза олиб келиб қуришипти. Майдонга чим бўлса бас, тўй эгаси футбол учун соврин ажратади. Соврин учун гоҳида ўнталаб жамоа куч синашади. Ўша тўй катта футбол байрамига айланиб кетади.

— Муаммоларимизми? Йўқ эмас, — дейди маҳалла фуқароларидан бири Сайдали Тўраев. — Шу 250 бола ўқийдиган кичкина мактабимизга олтита ўқитувчи бошқа қишлоқлардан, ҳатто қўшни туманлардан қатнаб ишлашади. Демак, биз «Дамас», «Нексия» минганимиз билан фарзандларимизнинг олий ўқув юртларда ўқишига диққат қилмаяпмиз. Қишлоғимиздаги ичимлик сув иншоотининг минора идишини кимнингдир ройиши билан кимлардир кечаси — хуфиёна қилиб олиб кетиб қолипти. Қаранг, маҳаллани ётқизишипти. Атрофларига кўчатлар қадашипти. Энди бўлса бу ерга қўшни туманлардан ҳам жамоалар тўп сургани келаётганмиш. Мусобақаларни маҳалла ташкил қилади. Маҳаллада тўй дан пилла қуртини, дангаса фермернинг қаердалигини сўрашадию, сув идиш ўзларига керакдир, деб ўйлашмайди. Сўнг, қаранг, дарахтларимиз камроқ. Ўзимиз ўз кучимиз билан зовур қаздирдик. Демак, тупроғимиз шўрланмайди. Тупроғимиз, тафаккурларимиз тоза бўлди. Қолган юмушларниям ўйноқлатиб уддалайверамиз.

Биз яна Давлат Хўжаёровни гурунгга тортамиз. Ҳозир у 17-мактабнинг директори, 100-Таллиморон сайлов округидан туман кенгашига депутат. Ўқитувчининг салом беришига қараб унинг дарсга тайёр ё тайёр эмаслигини айтиб бера олади. 350 ўқувчисини ҳар бирининг дастхатидан танийди. Шогирдларининг нимадан хомушу нимадан қувонганини фаҳмлайди.

— Маҳалла — демократиянинг чин ўзбекона мактаби, қадриятларимизнинг, Мустақиллигимизнинг дорилфунуни, — дейди Хўжаёров ҳар бир сўзни салмоқли ифодалаб. — Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини биз шу ҳақиқатларни англаган ҳолда қарши олаяпмиз. Шунинг ўзи сайловлар жамиятимизнинг янада демократлашувида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун эълон қилинган "Олтин қалам" халқаро танлови ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ИЛК СОҲИБЛАРИ

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли геосиёсий манфаатларнинг ўзаро тўқнашуви, глобаллашув, мафкуравий қарашлар, ахборот хуружлари каби жараёнлар давом этаётган бугунги кунда юз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва холислик билан етказишда оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасидаги масъулият янада ортмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан жорий йилнинг бошида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Олтин қалам» халқаро танлови эълон қилинган эди.

Танловнинг **"Энг яхши журналистик материал учун"** асосий номинациясида телевидение йўналиши бўйича **"Ўзбекистон" телерадиоканали "Юксалиш" студияси катта муҳаррири Норқобил Жалилов** "Яхшилик" рукнидаги муаллифлик кўрсатувлари учун, радио йўналиши бўйича **"Ўзбекистон" телерадиоканалининг бўлим мудири Шарофиддин Тўлаганов** халқаро мавзудаги эшиттиришлар туркуми учун, матбуот соҳасида **"Туркистон — пресс" нодавлат ахборот агентлигининг сиёсий шарҳловчиси Иброҳим Норматов** долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалари учун ғолиб деб топилди. Ғолиблар "Олтин қалам" нишони ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

"Андижоннома" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдумутал Абдуллаев "Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун", "Маҳалла" газетаси бош муҳаррири Чори Латипов "Фаол фуқаролик позицияси учун", "Тошкент" телерадиоканали режиссёри Ҳамид Қаҳрамонов "Энг яхши режиссёрлик иши учун", "Народное слово" газетаси шарҳловчиси Ильдар Мударисов "Энг яхши журналистик текширув учун", Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги — ЎзА шарҳловчиси Ғулом Мирзаев "Интернет тармоғидаги энг яхши таҳлилий материаллар учун", "Қува ҳаёти" газетасининг адабий ходими Санъат Маҳмудова "Фавқулодда вазиятларда тайёрланган энг яхши репортаж учун", "ТВ-Марказ" телеканали "Йилнинг энг яхши дебюти учун", "Марғилон ҳақиқати" газетаси фотомухбири Ҳакимжон Раҳмонов "Энг яхши фоторепортаж учун", рассом Маҳмуджон Эшонқулов "Энг яхши карикатура учун" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди. Эронннинг "Ал-Алам" телеканалининг юртимиздаги ўз мухбири Аҳмад Ал-Зубайдий "Хорижий журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Уларга танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ёш нотиқларининг бир гуруҳи «Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!» деб номланган дастур асосида Фарғона водийси таълим муассасаларига ташриф буюрди.

Ёш нотиқлар — Андижонда

Улар мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, ёшлар учун яратилган улкан имкониятлар ҳақида ўртоқлашадилар, тенгдошларида фаол фуқаролик дунёқарашни шакллантиришга қаратилган қизиқарли суҳбатлар уюштирадилар.

Андижон давлат университетининг мажлислар залида, талабалар турар жойларида бўлиб ўтган учрашув ва семинар-тренингларда қарийб мингга яқин талаба иштирок этди. Айниқса, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази директори Олимжон Худойназаров, ёш нотиқлар Бахтиёр Маъруфбоев, Мирзо Орипов, Зебо Яхшиева, Наргиза Умарова, Ирода Ҳамдамова, Шуҳрат Абдусаломов, Солиҳа Аллаёроваларнинг чиқишлари андижонлик тенгдошларида чуқур таассурот қолдирди.

Учрашувлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Негаки, бундай мулоқот талабалар маънавиятини бойитибгина қолмай, уларнинг келгусида юксак малакали мутахассис ва ватан фидойилари бўлиб етишишларида ўзининг амалий натижасини бериши шубҳасиз.

Маъмуржон САИДХОНОВ,
Нозим РАСУЛ.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига



Кейинги йилларда мамлакатимиз миқёсида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мустақиллик неъматлари бўлмиш ўзлигимизни англаш, аслий ва азалий қадриятларимизни тиклаш жараёнларида меъморий обидалар — буюк аждодларимиз, улуғ алломалар, фозиллар ва саркардаларнинг табаррук номлари тикланди. Уларга атаб ўрнатилган ҳайкаллар, зиёратгоҳ мажмуалари, майдонлар ва бошқа бунёдкорлик ишлари эса бугун ўзига хос кўргазмали қўлланма вазифасини бажармоқда.

ШАҲАРСОЗЛИК ВА АРХИТЕКТУРА

янги йўналишлар ва ўзгаришлар

Қадимий Самарқанд, кўҳна Бухоро, бетакрор Хива, гўзал Шаҳрисабз, ҳамиша навқирон Тошкент каби шаҳарлардаги аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган осори-атиқаларни завқ ва шавқ, ғурур ва ифтихор билан томоша қилар эканмиз, бу уларнинг неча асрлар давомида бунёд бўлганлиги дафъатан хаёлимизга келмайди. Гўё улар ҳозирги кўринишларида азалдан мавжуддек. Аслида уларни аждодларимизнинг неча-неча авлодлари яратганлар, сайқал берганлар. Шу маънода, тарихан қисқа давр мобайнида республикамизнинг барча гўшаларида қад кўтарган йирик меъморий обидалар ўта тезкорлик билан, табиатан бунёдкор халқимиз томонидан яратилганлигини таъкидлаш мароқлидир.

Гап шундаки, истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида лойиҳаланган ва бунёд этилган жуда кўплаб муҳташам иншоотлар вужудга келдики, биз уларнинг айримлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, серқуёш диёримиз харитасида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент, Навоий, Зарафшон, Чирчиқ, Олмалиқ каби шаҳарлар қиёфаси тубдан янгиланиб, замонавийлик касб этишида Президентимизнинг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва ҳукуматнинг бир қанча қарорлари қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, Ватанимиз пойтахти — маъмурий-сиёсий, маданий-илмий ва саноат маркази бўлмиш Тошкент чин маънода қайтадан бунёд этилди. Тарихан қисқа муддатда бу ерда жуда катта қурилиш режаси амалга оширилиб, унинг кўркига-кўрк қўшилди. Эски шаҳардаги Форобий, «Сағбон», «Қорасарой» каби қадимий тор кўчалар эса таъмирланиб, улар ўрнида замонавий янги магистраллар, муҳандислик иншоотлари ўтказилди, янги турар жой бинолари қурилди.

Тошкент архитектура солномасида Мустақиллик майдонининг қайта қурилиши муҳим воқеадир. Бир маҳаллар фақатгина парадлар ўтказиш учун мўлжалланган, ёзнинг саратонида, қишнинг чилласида йўловчилар учун ўнғайсизликлар келтириб чиқарувчи ана шу майдон бутунлай янгидан барпо этилди. Президентимиз ғояси асосида унинг атрофидаги ҳудудларда кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Тубдан таъмирланган ва қад ростлаган Вазирлар Маҳкамаси биноси, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий мажмуалар, яшил майдон ва хиёбонлар шулар сирасига киради. Қувонарлиси, бугунги кунда Мустақиллик майдони нафақат қиёфаси, балки ўзининг янгича маъно-мазмуни билан истиқлолимизнинг муқаддас рамзига айланди.

Мустақиллик майдонининг узвий қисми — Хотира хиёбонидаги ўзига хос кўркамлик бахш этувчи меъморий мажмуа эса халқимизнинг ва меҳмонларимизнинг зиёрат масканидир.

Йирик жамоат ва маъмурий бинолар асосан, уч йўналишда бунёд этилмоқда. Биринчиси — мумтоз услубга Шарқ анъанавий меъморчилик услубини ҳамоҳанг боғлаш. Бу йўналишга Олий Мажлис биноси, Оқсарой мажмуаси ва ҳоказолар мисол бўла олади. Иккинчиси — замонавий меъморчиликнинг анъанавий халқ саньати билан уйғунлашган услубини Темурийлар тарихи Давлат музейи биносида, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейида, аждодларимиз хотирасига бағишланган меъморий мажмуалар ечимларида кўришимиз мумкин. Бу биноларда Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасининг қовурғасимон гумбазини эслатувчи феруза рангли гумбазлар, амалий халқ санъати — халқ усталарининг юксак маҳорати уйғунлашган.

Жаҳон андозаларига мос келадиган Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси, Миллий банкнинг осмонўпар биноси, Банклараро молиявий хизматлар маркази каби бир қатор бинолар эса замонавий халқаро услубга хос бақувват темирбетон, "ойнаванд" кўриниши ва дадил композицион ечимлари билан Ўзбекистон архитектурасидаги янги — учинчи йўналиш, десак хато қилмаймиз.

Шу ўринда «Шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида ҳали ечимини кутаётган қандай муаммолар турибди, уларни ижобий ҳал қилишда қандай тадбирлар керак», деган саволга ҳам жавоб беришга тўғри келади.

Аввало, республикамиздаги мавжуд барча шаҳарлар уларнинг бош режалари лойиҳаси билан таъминланган. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона каби тарихий ташкил топган шаҳарларда "эски" ва "янги" деб аталувчи қисмларини бир-бирига узвий қўшиб юбориш, улар орасидаги фарқни тугатиш юзасидан катта ишлар қилинди, амалий тадбирлар белгиланди. Хусусан, шаҳар марказлари қурилди ва қурилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва миллий тараққиёт йўлига дадил қадамлар билан кириб бориши меъморлардан архитектура иншоотларини давримизга мос ва хос яратилишини тақозо этади. Бу улкан ва масъулиятли вазифани бажаришда тўпланган тажрибалардан, меъморчилик услубларидан ўринли ва ижодий фойдаланиш, замонавий илмий-техника ютуқларини қўллаш шу куннинг талабидир.

Тўлқиной ҚОДИРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор, Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Интернетни ривожлантириш учун

«Рейтер» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, компьютер чиплари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг катта компаниялардан бири Intel қашшоқ ва ривожланаётган мамлакатларда интернетни ривожлантириш ҳамда компьютер курсларини ташкил қилиш мақсадида бир миллиард доллар маблағ ажратишни режалаштираяпти.

Компания томонидан ишлаб чиқилган дастур амалга ошадиган бўлса, камида бир миллиард одам интернетдан фойдалана олади ҳамда 10 минг нафар ўқитувчи замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш юзасидан ўқитилади. Бунинг учун дастлабки беш йил давомида 200 миллион доллар маблағ ажратилади.

Компания бош директори Пол Оттеллини шу йўл орқали компания янги бозорларни кашф этмоқчилигини билдирди.

Берлускони истеъфога чиқди



Италия Бош вазири Сильвио Берлускони мамлакат президенти Карло Чампига ўзини истеъфога чиқаришини сўраб мурожаат қилди. Манбада айтилишича, Карло Чампи Берлусконидан ҳукуматга янги раҳбар тасдиқланмагунча бу вазифани бажариб туришини сўраган.

Квириналь саройида Берлускони Вазирлар Маҳкамасининг якуний мажлисини ўтказди ва унда ҳукумат аъзоларидан ўз лавозимини тарк этаётгани учун узр сўради ҳамда бирга ишлагани учун уларга миннатдорчилик изҳор этди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 9-10 апрель кунлари мамлакат парламенти учун бўлиб ўтган сайловларда сўл марказчилар блоки етакчиси Романи Проди ғалаба қозонганди. Эндиликда у мамлакат Бош вазирлиги лавозимини эгаллайди.

Токиода ер силкиниши

Сешанба куни Токиода ер силкиниши содир бўлди. Мамлакат бош метеорология бошқармасининг маълум қилишича, шаҳарда Рихтер шкаласи бўйича 5,6 балли зилзила қайд этилган. Ер силкиниши маркази Токиодан 100 километр узоқликдаги Идзу оролида, 20 километр чуқурликда бўлган.

Мазкур воқеа рўй бергандан сўнг мамлакатдаги тезюрар поездлар ҳаракати вақтинчалик тўхтатилди. Ҳозирча жабр кўрганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ. Бу офат цунами ҳам келтириб чиқармаган.

Самолёт ҳалокатга учради

Ереван — Сочи йўналиши бўйича А-320 самолёти парвозни амалга ошираётган пайтда, Адлер аэропортидан беш километр узоқликда қулаб тушган. Дастлабки маълумотларга қараганда, самолёт бортида



россиялик ва арманистонлик 113 нафар йўловчи бўлган. Улар орасида беш нафар бола ва 8 нафар экипаж аъзолари ҳам бўлган.

Арманистон ҳукумати воқеа жойига қидирув-қутқарув гуруҳини жўнатди. Маълумотларга қараганда, самолёт Қора денгизга қулаган ва у ҳозир сув остида, тахминан 300 метр чуқурликда турибди.

Маълумотларга қараганда, об-ҳаво ноқулайлиги сабабли Сочи аэропорти диспетчери самолётга қўниш учун рухсат бермаган. Шундан сўнг самолёт 600 метр баландликда мувозанатни йўқотган.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 5 май куни Россия ва Арманистонда мотам куни деб эълон қилинади.

Муҳожирлар намойиши

1 май куни муҳожирлар АҚШнинг бир қатор шаҳарларида оммавий норозилик намойишлари ўтказишди. Биргина Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган намойишда ўртача 300 минг киши қатнашган. Шаҳар ҳукумати вакилининг сўзларига қараганда, намойишчилар орасида мактаб ўқувчилари ҳам бўлган.

«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Лос-Анжелесда 400 мингдан ортиқ муҳожир намойишда иштирок этган. Оқ уй ушбу намойишга совуқ муносабат билдирди. Жорж Буш шу муносабат билан чиқиш қилиб, бунга қарши эканлигини таъкидлаган.



Конлар давлатга ўтади

Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатдаги нефть ва газ соҳасидаги мулклар ва конларни давлат ҳисобига ўтказиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Президент шу муносабат билан чиқиш қилар экан, бундан кейин барча шахталар, ўрмон ва барча табиий ресурслар давлатга ўтишини таъкидлади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Боливия нефть ва газ конларига бой бўлишига қарамасдан Жанубий Америка қитъасининг энг қашшоқ давлатларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакат президентининг бу қарори турли давлатларда ўзаро дўстликка путур етказадиган ҳужжат сифатида баҳоланмоқда.



Музокаралар ўтказишга тайёр

Jerusalem Post газетасининг хабар беришича, Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт Фаластин Мухторияти Президенти Маҳмуд Аббос билан учрашиб, у билан музокаралар ўтказишни режалаштираяпти. Ҳозир тахмин қилинишича, ушбу учрашув Исроил янги ҳукумати шакллантирилгандан сўнг бўлиб ўтади. Шимон Переснинг сўзларига қараганда, расмий Қуддус Исроил ва Фаластин ўртасидаги чегараларни узил-кесил аниқлаб, фаластинликлар билан келишувга эришишни режалаштирмоқда. Унинг фикрича, Маҳмуд Аббос музокаралар ўтказиш учун муносиб шахс, қолаверса, унинг халқаро майдондаги обрўйи ҳам юқори.

Бунга жавобан Маҳмуд Аббос маъмурияти вакили расмий чиқиш қилиб, Фаластин Мухторияти раҳбари музокаралар ўтказишни тезроқ бошлашга рози эканлигини билдирган.

Чегаралар олиб ташланади

Испания, Португалия, Греция ва Финляндия мамлакатлари Шарқий Европа давлатларидан оқиб келаётган ишчи кучи учун чегараларни очиб берди. Буюк Британия, Ирландия ва Швеция мамлакатлари эса бу борадаги чеклашни олиб ташлашни 2004 йилдан буён рад этиб келаяпти.

Австрия ҳам ўз қўшнилари учун меҳнат бозорларини очишни режалаштираяпти. Лекин бу масалада расмий Вена ҳозирча охирги тўхтамга келганича йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

MTS GSM — UZDUNROBITA first cellular

Ўзбекистонда мобиль алоқанинг энг кенг тармоғи!

700 000 дан зиёд абонентлар танлови!



ТОШКЕНТ ш.

Тошкент вилояти: Алимкент, Ангрен, Бекобод, Белдерсой, Бурчмулла, Бўка, Ғазалкент, Гулбаҳор, Дўстобод, Зафар, Келес, Қибрай, Ниёзбош, Нуробод, Оққўрғон, Оқтош, Олмалиқ, Оҳангарон, Паркент, Пскент, Сижжак, Сойлиқ, Тўйтепа, Хумсон, Чимён, Чиноз, Чирчиқ, Чорбоғ, Янгибозор, Янгийўл

Андижон вилояти: Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Куйганёр, Қўрғонтепа, Лутумбек, Манак, Марҳамат, Мингбулоқ, Ниёзботир, Олтинкўл, Охунбобоев, Пойтуғ, Ўрмонбек, Хартум, Хонобод, Хўжаобод, Чинобод, Шаҳрихон

Бухоро вилояти: Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Ғиждувон, Зафаробод, Жондор, Коғон, Қоровулбозор, Қоракўл, Олот, Ромитан, Шофиркон, Янгибозор, Янгиқишлоқ

Жиззах вилояти: Жиззах, Гагарин, Ғаллаорол, Даштобод, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Маржонбулоқ, Пахтакор, Усмат, Учтепа, Хонқа, Янгиқишлоқ

Қашқадарё вилояти: Қарши, Бешкент, Ғузор, Жейнов, Қамаши, Карактой, Касби, Қашқадарё, Китоб, Косон, Майманак, Мироқи, Муборак, Нуристон, Хонобод, Чим, Чироқчи, Шаҳрисабз, Шўртан, Яккабоғ, Янги-Миришкор, Янги-Нишон

Навоий вилояти: Навоий, Ғозғон, Зарафшон, Қизилтепа, Конимех, Қоракатта, Мурунтов, Нурота, Учқудуқ, Янгирабод

Наманган вилояти: Наманган, Ғурумсарой, Жумашўй, Заркент, Косонсой, Кугай, Навбаҳор, Нанай, Олмос, Поп, Тошбулоқ, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Хаққулобод, Халқобод, Хонобод, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон

Қорақалпоғистон Респ.: Нукус, Беруний, Бўстон, егейли, Қонликўл, Қораузак, Қўнғирот, Манғит, Мўйноқ, Оқманғит, Тахтакўпир, Тахиатош, Тўрткўл, Халқобод, Хўжайли, Чимбой

Самарқанд вилояти: Самарқанд, Булунғур, Гулобод, Гўзалкент, Даҳбед, Жомбой, Жума, Жумабозор, Зиёвиддин, Иштихон, Каттақўрғон, Кимёгарлар, Қоратепа, Лойиш, Митан, Нуробод, Оқтош, Пайшанба, Пайариқ, Сариқўл, Тойлоқ, Ургут, Чархин, Челак

Сурхондарё вилояти: Термез, Ангор, Бандихон, Бойсун, Ғалаба, Денов, Жарқўрғон, Қарлуқ, Қизириқ, Қумқўрғон, Музработ, Сариқ, Сариосиё, Сурхон, Узун, Учқизил, Шарғун, Шеробод, Шўрчи

Сирдарё вилояти: Гулистон, Сирдарё, Бахт, Бобоут, Гулзор, Деҳқонобод, Қаҳрамон, Малик, Наврўз, Пахтаобод, Сайхун, Сардоба, Ширин, Шўрузак, Янгиер

Фарғона вилояти: Фарғона, Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Водил, Данғара, Зафаробод, Қиргули, Қува, Қувасой, Қўқон, Лангар, Марғилон, Навбаҳор, Навкат, Оқбилол, Олтиариқ, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк, Ҳамза, Чимён, Ёзёвон, Яйпан, Янгиқўрғон

Хоразм вилояти: Урганч, Гулистон, Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Манак, Питнак, Ҳазорасп, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор

Доимий тараққиётга қўшилинг!

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz — Хизматлар лицензияланган

ШИФОКОРЛАРНИНГ ҲАМ КАСБ БАЙРАМИ БЎЛСА...

Аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг асосий йўналишларидандир. Шу боис мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шифокорлик, ҳақиқатан ҳам, ўзига хос, ноёб касб ва унинг самарадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ, — дейди академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган жарроҳлик маркази директори Юрий КАЛИШ. — Бу борада нафақат кучли билим, балки кўп йиллик амалиёт жараёнида эгалланган тажриба ва кўникма ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, даволаш натижалари тиббиёт ходимларининг меҳнат шароити, замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш ускуналари мавжудлигига боғлиқ. 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурида ушбу омилларнинг назарда тутилгани мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар қанчалик пухта ўйланганидан далолатдир. Ушбу дастурнинг изчиллик билан амалга оширилиши барча йўналишларда аҳволни тубдан яхшилаш имконини берди. Бугун Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқлари дунёнинг кўпгина мамлакатлари томонидан эътироф этилмоқда.

Чунончи, Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан аҳолига кўрсатилаётган юқори малакали тиббий ёрдам сифатини ошириш учун турли йўналишдаги ихтисослаштирилган марказлар ташкил этилди. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослашган жарроҳлик маркази шулар жумласидан. Мамлакатимиз раҳбарининг даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашга қаратаётган алоҳида эътибори туфайли бугунги кунда марказимиз касалликка тез ва тўғри ташҳис қўйиш билан бир қаторда мураккаб операцияларни ҳам муваффақиятли амалга ошириш имконини берадиган энг замонавий аппаратура, илғор технологиялар билан жиҳозланган. Кўплаб давлатларнинг ихтисослаштирилган етакчи илмий ва тиббий марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мутахассисларимиз малака ошириш учун хорижга бормоқда, турли мамлакатлар энг яхши клиникаларининг шифокорлар бригадалари бу ерга тажриба алмашиш мақсадида келмоқда. Юртбошимизнинг Марказий Осиёда ягона Республика ихтисослаштирилган кардиожарроҳлик илмий марказини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эса мамлакатимизда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни янада кенгайтиришда янги омил бўлди.

Президентимиз томонидан тиббиёт ходимларининг турмуш даражасини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ 2006 йилнинг 1 январидан соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг иш ҳақи сезиларли даражада оширилди. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда Ҳомийлар ва шифокорлар йили айнан мана шу хайрли ишдан бошланди. Кўрилаётган бундай чора-тадбирлар юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада яхшилашнинг кафолати ҳисобланади. Мамлакатимизда шифокорлик касби ҳақиқий ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлганидан далолатдир. Шу боис тиббиёт ходимларининг касб байрамини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бу байрамни ноябрь ойида нишонлашнинг эса ўзига хос рамзий маъноси бор. Зеро, саккиз йил аввал айнан шу ойда Президентимизнинг Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармони имзоланган. Бу дастурнинг амалга оширилиши ушбу соҳада амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосига айланди.

ЎзА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.

Дунё шаҳарлари



Шанхай тадбиркорлар шаҳри.

Юнус БЎРОНОВ олган сурат.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР AVTODOM PLUS



"ВОЛГА", ГАЗ 31105 — ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли — Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили — ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси



ГАЗ 2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон — ГАЗ 2752, Инкассация автомобили — ГАЗ-33023 "Фермер", юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли — ГАЗ 3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобиль билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

БАНК»:

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

IPOTEKA BANK

• «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сонли Қарори асосида «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Замин» банки негизида ташкил этилган;

• «Ипотекабанк» банк операцияларини амалга ошириш учун 2005 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 74-сонли лицензиясини, валюта операцияларини ўтказиш учун эса 22-сонли бош лицензиясини олган;

• 2005 йил 18 майда «Ипотекабанк»нинг 39 та филиали Марказий банкда белгиланган тартибда рўйхатга олинди;

• 2005 йил 30 июнда «Ипотекабанк»нинг 10 млрд. сўмлик акциялари эълон қилиниб, эмиссия проспекти белгиланган тартибда ўтказилган эди. Ҳозиргача банк устав капиталининг рўйхатга олинган 9,3 млрд. сўмлик қисми тўлиқ шакллантирилди.





2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг соф активлари 68,3 млрд. сўмга ёки 30,6 фоизга ошиб, 291,3 млрд. сўмга етди. Банк иқтисодий кўрсаткичларининг ўсгани унинг молиявий бозордаги салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатди. Республикамиздаги банклар рейтингини баҳоловчи мустақил «Ахбор-рейтинг» компанияси маълумотларига қараганда, йил давомида «Ипотекабанк» иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йирик банклар орасида юқори ўринларни эгаллаб келди.

Банкнинг ўз маблағларини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида унинг жами капитали 34,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу, ўз навбатида, банк ресурс базасининг сезиларли даражада мустаҳкамланишига олиб келди, банк рақобатбардошлиги ва молиявий мустақиллигини орттириб, барқарорлигини таъминлади.

Муҳими, «Ипотекабанк» ўз акциялари жозибадорлигини ошириш ва иккиламчи бозорни ривожлантириш мақсадида барқарор фаолият кўрсатмоқда. Фонд биржасида «А» категорияли акциялар қаторига кирган банк акциялари бўйича йил давомида фаол савдолар бўлиб ўтгани бунинг тасдиғидир.

Ўтган даврда банк мажбуриятлари ҳажми 256,9 млрд. сўмни ташкил этиб, бу асосан мижозлар маблағларининг 1,4 марта ошиши ҳисобига кўпайди.

«Ипотекабанк» депозит операцияларини бажаришда фоиз ставкаларининг мослашувчан бўлишига катта аҳамият бергани эса банк мижозларининг кўпайиши ва банкнинг нуфузи ошиши учун хизмат қилаётир.

Банкнинг депозитлар бўйича фоиз ставкалари юридик ва жисмоний шахслар учун турлича ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳисобот йилида банк депозит базасининг 51,8 млрд. сўмга ёки 37,9 фоизга ошишига, жами 188,3 млрд. сўмни ташкил этишига имкон яратди. Ана шу маблағнинг 33,5 млрд. сўми аҳолидан жалб қилинган депозитлар ҳиссасига тўғри келди.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ МОЛИЯЛАШ

Ипотека кредитлари — бу аҳолининг турар жой шароитини яхшилаш, молия муассасалари учун даромад олиш, қурилиш ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи компанияларда маҳсулот турларини кўпайтириш ва, ниҳоят янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишнинг энг яхши йўлидир.

Президентимиз қарорида белгиланган механизм асосида амалга оширилган ишлар эса ипотека кредити ёрдамида уй-жой сотиб олиш республикамизда энг яхши усуллардан бири эканлигини амалда исботламоқда. Хусусан, 2005 йилда банк аҳолига сертификатли уй-жойларни сотиб олиш учун 1,74 млрд. сўмлик, якка тартибда уй-жой сотиб олиш ёки таъмирлаш учун 713 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратди.

УНИВЕРСАЛ МУАССАСА

Ихтисослашган молия муассасасининг вазифаси нафақат ипотека кредитини бериш, балки универсал ва тараққий этган банк сифатида ўз ўрнини топиши керак. «Ипотекабанк»нинг стратегик бизнес-режасини ишлаб чиқишда ушбу омилларга эътибор қаратилди. Натижада унинг иқтисодий кўрсаткичлари юқорилаб бораверди.

Танланган стратегия — универсал банк фаолиятини ривожлантириш, банк хатарларини мақбуллаштириш ҳамда фойда олиш мақсадида банк сармоясини иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, айни пайтда молия бозорининг бошқа соҳаларида иш олиб бориш стратегиясининг тўғрилиги 2005 йилда яна бир бор тасдиқланди.

Банкнинг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминловчи кўрсаткичларда технологияларга таяниш ҳамда уларга комплекс ёндошиш, мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси бўйича банк фаолиятига халқаро андозаларни изчиллик билан жорий этиб бориш «Ипотекабанк» фаолиятининг энг муҳим принципларидан бирига айланди.

ФИЛИАЛЛАР ТАРМОҒИ

Ҳар қандай йирик компаниянинг олға силжиши, кўрсаткичларининг юқори бўлиши, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашда албатта хизмат кўрсатиш тармоғининг кенглиги ва филиалларининг барқарор фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис филиаллар тармоғини жўшқин ривожлантириш ва бошқариш «Ипотекабанк» фаолиятининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бугунги кунда республикамизда унинг 39 та филиали кенг доирадаги замонавий банк хизматларини кўрсатаётгани ушбу йўналишда олиб борилган ишларнинг самарасидир.

Айни чоғда мижозларнинг кенг доирадаги талабларини қондириш, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банк жамоаси мини банклар тармоғини вужудга келтириш ҳамда такомиллаштириш ишларини ҳам давом эттирмоқда. Ҳозирги кундаги мавжуд 130 та мини банк тармоғида қўшимча равишда 600 та ихтисослашган касса фаолият кўрсатмоқда, бу ўтган йилдагига нисбатан 53 та кўпдир. Аҳолидан тўловларни қабул қилувчи ана шу кассаларнинг 310 таси Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса, 290 таси республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ишлаб турибди. Муҳими, мини банклар банкнинг мустаҳкам фаолият кўрсатишини таъминлаб, унинг рақобатбардош мавқеини яратишга кўмаклашаяпти, Ўзбекистоннинг турли минтақаларида, айниқса, саноат марказларидан олис жойларда ўтказилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга таъсир кўрсатмоқда.

2005 йилда «Ипотекабанк» нафақат филиал ва мини банклар, балки валюта айирбошлаш ва «Western Union» пул ўтказиш шохобчалари сонини ҳам кўпайтирди. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, тизимда 141 та валюта айирбошлаш ва 65 та «Western Union» шохобчаси аҳолига хизмат қилаётгани бунинг далилидир.

КОРПОРАТИВ МИЖОЗЛАР

«Ипотекабанк» кейинги йилларда банк корпоратив мижозлари фаолиятининг ривожланишига кўмаклашишнинг янги босқичига ўтди. Бу иш ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш ҳамда тармоқлашган банк маҳсулотларини таклиф этиш принциплари асосида олиб борилаётгани натижасида корпоратив мижозлар сони доимий равишда кўпая бориб, 2005 йилда 24,0 фоизга ошди, бундай корхона ҳамда ташкилотлар эса 48 мингтага етди.

Янги кредит олувчиларни жалб этиш, шунингдек, мижозларга бериладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш юзасидан ҳам йил давомида фаол иш олиб борилди. Кредит хатарларини камайтириш мақсадида кредит портфелини тармоқ бўйича диверсификациялаш ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат», Тошкент лок-бўёқ заводи, «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», «Ўзбеккимёмаш», «Саноатқалинкоғозсавдо», «Лок колорсинтез», Тошкент метрополитени, Тошкент шаҳар бозорлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, ҳудудий газ бошқармалари, қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, вазирлик ва идоралар, вилоятларнинг муниципал ташкилотлари каби, бир қатор йирик корпоратив мижозлар банкка ўзларининг ҳамкорлари сифатида қараб, унинг ҳақиқий мижозларига айлангани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Шу билан бирга, кредит хатарларини минимал даражада сақлаган ҳолда, кредит портфелини кенгайтириш банк фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, кредит портфели ҳажми 132,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бу миқдор банк активларининг 45,6 фоизига тенгдир.

Кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитларга тўғри келади. Бундай кредитлар эса 82,0 млрд. сўмни ёки кредит портфелининг 61,6 фоизини ташкил қилди.

Мижозларга кўрсатилаётган хизматларга қараб, кредит амалиётлари таркибида лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, лизинг амалиётлари, шунингдек, кейинги вақтларда жисмоний шахсларга кенг таклиф этилаётган микрокредитларнинг берилишини кенгайтириш ҳам муҳим ўрин тутаяпти.

«Ипотекабанк» кредит портфелининг таркиби:



КИЧИК БИЗНЕСГА УСТУВОРЛИК

2005 йилда банк томонидан кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тадбирлари натижасида уларнинг сони 35 мингдан ортди. Бу 2004 йилдагига нисбатан 10 мингта кўпдир. Улар банк кредит портфелида устувор мақомга эгадирлар.

2005 йилда шу мақсадда 40,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани, шундан 39,0 млрд. сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилгани бунинг исботидир. Банк соф фойдасидан ажратмалар ҳисобига ташкил этилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан эса ҳисобот даврида 2,5 млрд. сўмлик маблағлар берилди. Натижада барча маблағлар ҳисобига қарийб 3767 та иш ўрни барпо этилди.

Тадбиркорлар орасида, айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантириш учун «Ипотекабанк» томонидан йўналтирилаётган микрокредитларга талаб катта. 2005 йил давомида банк барча молиялаш манбаларини жалб этиб, жами 3,6 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратди. Бу хизмат тури, хусусан, қишлоқ жойларда, фермер ва деҳқон хўжаликлари орасида кенг оммалашиб бораяпти. Негаки, микрокредитлар қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бераяпти, янги мулкдорлар синфини шакллантириб, уларнинг сафини кенгайтиряпти.

«Ипотекабанк»нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш умумдавлат дастуридаги иштироки натижаларини дўконларимиз пештахталарида ҳам кўришингиз мумкин. Бу ерда маҳаллий товарлар чет элдан келтирилган маҳсулотларни дадил суриб чиқаряпти. Ушбу ҳолат биринчи даражали хизмат кўрсатиш соҳасида яққол кўзга ташланади.

«Ипотекабанк» кредит портфели ва депозит базасининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм миқдорида):



ХОРИЖИЙ БАНКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

«Ипотекабанк» 2005 йилда янги шартномалар тузиш мақсадида ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КфВ, «ХипоФерайнсбанк», «Банк Гезельшафт» ва бошқа банклар билан учрашувлар ва музокаралар олиб борди. Германия КфВ банкининг 3,5 млн. евро миқдоридаги кредит линияси бўйича эса энг сара лойиҳалар танлаб олиниб, ажратилган маблағларнинг бари тўлиқ ўзлаштирилди.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг ўзбек-япон пилот лойиҳаси асосида кичик бизнес субъектларига бериладиган микрокредитлаш дастури ҳам тадбиркорларга анча қўл келмоқда. Мисол учун, ЕТТБ нинг 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ёрдамида бугунги кунда банкнинг бир нечта филиаллари халқаро стандартларда тадбиркорларни микрокредитламоқда. 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кредит линиясининг 2 млн. АҚШ долларилик қисми тўлиқ ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 11,5 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Шундан 9,3 млрд. сўми нақд пулда берилди. Ушбу кредитларнинг асосий қисми эса ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Ҳозирда «Ипотекабанк» шу турдаги кредитларни Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида жорий этган. Банк келгусида ҳам янада самарали фаолият юритиш ва янгича усулда хизмат кўрсатишни кенгайтириш мақсадида ана шу дастур асосида кредитлашни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

«Ипотекабанк» АҚШ, Германия, Италия каби мамлакатларнинг йирик банклари билан вакиллик алоқалари ўрнатиб, 380 дан ортиқ банклар билан СВИФТ тизимида тўғридан-тўғри фаолият олиб бормоқда. Вакиллик алоқаларини юритишда банк ўз мижозларининг савдо айланмаларига асосланмоқда. Фақатгина Россия Федерациясининг 80 га яқин банклари билан СВИФТ тизимида калитлар алмашилгани, Германиянинг барча йирик банклари билан вакиллик келишувлари имзолангани шундан далолат беради.

«Ипотекабанк»нинг вакил банклари ва ҳамкорларининг тармоғи ва амалиётлари географиясининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, республикамиз корхона ва ташкилотларининг бошқа мамлакатлардаги шериклари билан ҳисоб-китобларни халқаро банк амалиёти талаблари даражасида олиб бориш, жаҳоннинг турли бурчакларида банк операцияларини қисқа муддатларда ва узлуксиз амалга ошириш учун имкон бераяпти. Шунингдек, ана шу банклараро алоқалар мижозларга таклиф қилинадиган хизматлар турини кўпайтириб, документар аккредитив ва банк кафолатлари каби халқаро банк амалиётлари ҳажмини оширишга хизмат қилаётир.

«Ипотекабанк» хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини йўлга қўяётганда, уч асосий принципга таянади. Булар — вакил банкларнинг ишончлилиги ва барқарорлиги, вакиллик тармоғининг мижозларнинг узоқ вақтга мўлжалланган амалий манфаатларига мувофиқ бўлиши ҳамда энг қисқа муддатда ва энг кам харажатлар билан ҳисоб-китоб қилиш имкониятидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда «Ипотекабанк» ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банкда қишлоқ хўжалиги корхоналари сони ва уларга ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга ошиб бораётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Чунончи, 2005 йилда банк хизмат кўрсатувчи, яъни давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони 3200 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилдагига нисбатан 1253 тага ёки 164,4 фоизга кўпдир. Давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштириш мақсадларига ажратилган кредитлар миқдори эса жами 9 326 млн. сўмга етди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 6 788 млн. сўм ёки 3,7 баробар ортиқдир.

Ўтган йили қишлоқ хўжалиги корхоналари банк томонидан ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиб, давлатга 60 минг тоннадан зиёд дон, 105 минг тоннадан кўп пахта топширдилар, пировардида 32,5 млрд. сўмдан ортиқ даромад олишга эришдилар.

2004-2005 йиллар давомида, шунингдек, банк фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаси, яъни ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ғалла ўриш комбайнлари сотиб олиш учун жами 1,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратди. Айни кунларда «Ипотекабанк» Жаҳон банки ҳамда Осиё Тараққиёт банкининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" ва "Дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш" лойиҳалари доирасидаги кредит линияларини ўзлаштириш йўлида фаол иштирок этмоқда.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА

«Ипотекабанк» қимматли қоғозлар, фонд бозорининг йирик эмитенти ва инвесторларидан бири ҳисобланади. У давлат қимматли қоғозлар бозорида бирламчи дилер сифатида қатнашмоқда, корпоратив облигациялар бозорида фаол иштирок этмоқда. Ўз фаолиятини инвестицион воситачи сифатида амалга ошираётган бу банк «Тошкент» фонд биржасида ўз брокерлик идорасига ҳам эгадир.

Банкнинг инвестиция сиёсати қимматли қоғозларга пул ресурсларини йўналтириш орқали барқарор даромадни ва ликвидликни қўллаб-қувватлаш ҳамда хавф-хатарнинг аниқ даражасини белгилашга асосланган.

2005 йил давомида банк қимматли қоғозлар портфелидаги активлар сифатини яхшилаш бўйича муайян ишларни амалга оширди.

Акциядорлик жамиятларини самарали бошқариш, молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш, шунингдек, корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот унумдорлигини ошириш, акциядорлик жамиятларининг олаётган фойдасини кўпайтириш мақсадида, «Ипотекабанк» улар фаолиятида акциядор сифатида ҳам фаол қатнашмоқда, эмитентларнинг молиявий ҳисоботларини тизимли равишда мониторинг қилмоқда.

Кам даромадли қўйилмаларни сотиш ва юқори даромадли қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича ўтказилган амалиётлар натижасида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг 2,1 млрд. сўмлик қимматли қоғозлари сотиб олинди. Бу банкнинг қимматли қоғозлар портфелини 10,2 млрд. сўмга етказиб, даромадлилигини йиллик 23-25 фоизга оширди ва портфель ликвидлигини кўтариш имкониятини берди.

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР

«Ипотекабанк» — чакана хизматлар кўрсатишда ҳам муайян тажриба тўплаган молиявий муассаса. Уй-жой билан боғлиқ амалиётларда жисмоний шахслар билан олиб борилаётган муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, банк фаолиятида аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш ҳам асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

«Ипотекабанк»нинг кенг доирадаги чакана хизматлари миллий ва хорижий валюталарда депозитларни жалб этиш, истеъмол кредитлари бериш, миллий валютадаги пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, валюта айирбошлаш амалиётларини бажариш сингари хизматларни ўз ичига олади. Умуман, у жисмоний шахсларга етмишдан зиёд турдаги хизматларни тақдим этаяпти.

Банк аҳолининг бўш пул маблағларини ҳам фаол жалб этиб, бу билан иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ресурс базасини кенгайтирмоқда, пул маблағларини банкдан ташқарида айланишини қисқартиришга кўмаклашмоқда.

Банк депозитлари, айниқса, аҳолининг аксарият қисми учун пул маблағларини сақлашнинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади. Унинг филиаллари томонидан 2005 йилда омонатларга жалб этилган аҳоли маблағлари ҳажми 10,4 млрд. сўмга ошиб, 33,5 млрд. сўмга етди. Бугунги кунда эса мижозларга пул маблағларини сақлаш муддати ва даромад ҳажмидан келиб чиқиб, энг маъқул шартларни танлаш имконияти яратилмоқда, аҳолига миллий валютада ўндан ортиқ турдаги, хорижий валютада етти турдаги омонатлар таклиф қилинаяпти. Масалан, «Антиқа», «Болажон», «Маиший хизмат», «Нур», «Баҳор» жамғарма турлари қаторига «Келажак», «Оқолтин», «Сиҳат-саломатлик», «Жозиба», «Адолат», «Янги йил ёғдуси» каби бир қатор янги омонат турлари киритилди. Шу тарика «Ипотекабанк» чакана хизматлар бозоридаги пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб, омонатчиларга уларнинг маблағлари бут сақланиши, анчагина кўпайиши ва шак-шубҳасиз, уларга юқори маданият билан банк хизматлари кўрсатилишини кафолатламоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи банк муассасаларини уларга иложи борича яқинлаштириш, мижозларда банк хизматларига кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида ихтисослашган кассалар ва мини банклар тармоғи кенгайтирилмоқда. Улар корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматини кўрсатиш билан бир қаторда аҳоли учун омонатлар очиш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш каби хизматларни тақдим этаяпти.

Аҳолига коммунал хизматлар тўловларини амалга ошириш учун қўшимча қулайликлар яратишда банкнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан алоқада бўлаётгани, коммунал кассалар иши дам олиш кунларида ва аҳолига қулай вақтларда йўлга қўйилгани ҳам эътиборлидир.

2005 йилда ушбу кассаларда аҳолидан турли хил тўловлар учун 162 млрд. сўм миқдорида нақд пул маблағи қабул қилинди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 43,2 млрд. сўм ёки 36 фоиз кўпдир. Унинг 38,5 фоизини бевосита коммунал тўловлар ташкил этади.

Аҳолига таклиф этилаётган хизматлардан яна бири — турли товарлар ва уй жиҳозлари сотиб олиш ва хизматлар учун узоқ муддатли микрокредитлар беришдир. Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, бундай истеъмол кредитларининг шартлари даврий равишда қайта кўриб чиқилиб, энг маъқул шартларда кредит олишга имконият яратилмоқда. Маҳаллий уй-рўзғор техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳам яқин алоқалар ўрнатилиши, аҳолини кредитлаш билан биргаликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳисобот йилида банк томонидан аҳолига маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун жами 9,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

«Ипотекабанк» жамғарма кассалари ва аҳоли омонатлари ўсишининг динамикаси:



ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

2005 йилда «Ипотекабанк» миллий валютадаги пластик карточкаларини муомалага киритиш ишларини кескин равишда кучайтирди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли қарори муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжат талабларига кўра, банк пластик карточкаларни аҳоли кенг қатламлари орасида оммалашуви таъминланди, пластик карточкалар билан амалиётлар кўлами кенгайтирилди.

Пировардида «Ипотекабанк» чиқарган миллий валютадаги пластик карточкаларнинг умумий сони 300 мингтага етиб, карточкалар сони эса 2004 йилдагига нисбатан қарийб 275 мингтага ортди.

Пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш мақсадида эса банк қўшимча 555 дона терминал сотиб олди. 2005 йилнинг охиригача чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарида жами 1300 та терминал ўрнатилди. Улар томонидан бажарилган нақд пулсиз амалиётлар ҳажми 3,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2004 йилдаги амалиётлардан 6,2 баробар кўпдир.

«Ипотекабанк» пластик карточкалар бўйича кўрсаткичларининг динамикаси:



ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Жорий йилдаги асосий вазифа бу албатта ипотека кредитлари бериш тизимини янада ривожлантиришдан иборат. Шу мақсадда банк ходимлари томонидан хориж тажрибаси ўрганилмоқда, маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, мавжуд меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда, банкнинг ихтисослашган хизматларидан республикамизнинг барча ҳудудларида фойдаланиш имкониятини яратиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, 2006 йилда банк ўз фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтириш юзасидан бир қатор ишларни олиб боради. Банкда капитализация даражасини ошириш, пул муомаласини янада барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг реал секторини, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалаларига асосий эътибор қаратиш шулар сирасига киради.

t



Ижодкор опа кичкинтойлари

Қарши шаҳридаги «Дўстлик» болалар боғчасида ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган зобитларнинг 286 нафар ўғил-қизи тарбияланади.

Йигирмадан ортиқ миллат болалари бу ерда турли-туман машғулотни ўтказиш билан бирга ўзбек, рус ва инглиз тилларини ҳам ўрганишади. Уларга ширинсуҳан тарбиячилару мураббийлар машғулотлар ўтказади. Айниқса, боғча мудираси Наила Мухаммедшинанинг болажонлиги, меҳнатсеварлиги уларни қувонтиради.

Наила опа ўта болажон аёл. Уларнинг ички дунёсини яхши англайди. Шу боис ўзи ҳам турли ўйинчоқлар ясайди. Энг қизиғи, опа бу ўйинчоқларни ивитилган қоғоз бўтқасидан тайёрлайди. Наила опа айни вақтда турли ўйинчоқ ва ҳайкалчалар ясаб, ўзининг кўргазмасини ташкил этишга ҳам тайёргарлик кўрмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» болалар боғчаси мудираси Наила Мухаммедшина ижод устида; тарбияланувчилар нонушта пайтида.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.



УМУММИЛЛИЙ ФОТОТАНЛОВ – 2006 "АТРОФ-МУҲИТ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ"

ТАШКИЛОТЧИЛАР

БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, БМТ Ўзбекистондаги ахборот маркази, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий Осиё экологик журналистика фестивали доирасидаги Миллий танлов ташкилий қўмитаси, Тошкент суратчилар уйи.

"Экология хабарномаси — Экологический вестник" журнали томонидан ахборот билан қўллаб-қувватланади.

ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Танловнинг мақсади — Ўзбекистоннинг БМТ қатор экологик конвенцияларига қўшилишида ўзига олган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, экологик муаммолар бўйича хабардорликни ошириш, жамиятни уларни ҳал қилишга жалб қилишдан иборат.

МАВЗУ

"Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш"

Мазкур мавзу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамиятнинг ривожланиши ва атроф-муҳит билан ўзаро таъсири;
- иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиши ва уларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири;
- ҳайвон ва ўсимликлар ноёб турларининг йўқ қилиниши ҳамда биологик хилма-хилликнинг сақланиши;
- атмосфера ҳавоси ифлосланиши, парник газлари чиқариб ташланиши ва иқлимнинг ўзгариши;
- ерларнинг ифлосланиши, шўрлашиши, чўлланиши ва ердан фойдаланишда барқарорликка эришиш;
- қаттиқ маиший чиқиндилар утилизацияси муаммоси, шаҳарларнинг ривожланиши ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири;
- заҳарли саноат чиқиндилари утилизацияси муаммоси, саноат соҳаларини ривожлантириш ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири;
- кон саноатининг ривожланиши ва атроф-муҳитга таъсири;
- қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва атроф-муҳитга таъсири;
- сув ресурсларининг ифлосланиши, улардан оқилона фойдаланмаслик, сув ресурсларини бошқаришнинг яхлит тизимига эришиш;
- Ўзбекистонда қайта тикланувчан манбалар қувватидан фойдаланиш имкониятлари.

ИШТИРОК ЭТИШ

Танлов Ўзбекистон фуқароси бўлган барча профессионал ёки ҳаваскор суратқашлар иштироки учун очиқ. Рўйхатга олишда ҳақ талаб қилинмайди.

ТАНЛОВНИНГ ШАРТЛАРИ

1. Ҳар бир иштирокчидан кўпида 5 та алоҳида ёки тўпламга бирлаштирилган ишлар қабул қилинади. Суратлар тўплами бир иш сифатида кўрилади.
2. 20x30 ва 30x40 см. ҳажмдаги рангли ва оқ-қора суратлар қабул қилинади.
3. Рақамли камера билан туширилган суратлар файл шаклида JPEG форматида ёки TIF ҳажмида 300 dpi ўлчамда тақдим қилиниши мумкин.
4. Суратлар иштирокчининг тўлдирилган талабномаси билан тақдим қилиниши лозим.
   Ҳар бир ишда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:
   - иштирокчининг исми, шарифи, отасининг исми;
   - ишнинг номи ва ёритилган масаланинг қисқача таърифи;
   - серия тартиб рақами.
5. Иштирокчининг аризаси, суратлар ёки файлли дисклар "Фототанлов: Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш" белгиси билан қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:
   Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 700029, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй, БМТ Тараққиёт дастури.
6. Ташкилий қўмита тақдим қилинган ишларни танлов ва кўргазма билан боғлиқ тадбирларда босиб чиқариш, нашр қилиш, фойдаланиш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Бундан ташқари, ташкилотчилар совринлар олган ва кўргазмада қатнашиш учун танлаб олинган ишларни иштирокчиларнинг муаллифлик ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда келажакда нашр қилиш, оммалаштириш ҳуқуқини ўзида қолдиради. Қолган ишлар муаллифларга биринчи кўргазма очилган пайтдан бошлаб 3 ой давомида қайтарилади.
   Ташкилий қўмита суратларнинг зарарланиши ёки йўқолиши учун жавобгар эмас.
7. Ҳакамлар ҳайъатининг танлов билан боғлиқ барча масалалар бўйича қарори якуний ва қатъий ҳисобланади.
8. Мукофотлар:
   1-ўрин — телевизор.
   2-ўрин — CD плеерли ва радиоприемникли аудиомагнитофон.
   3-ўрин — уяли телефон.

Голибларнинг ишлари 2006 йил давомида ўтадиган VI Марказий Осиё экологик журналистика Фестивали миллий танловида иштирок этиш учун қабул қилинади, «Экологик журналистика — 2007» минтақавий танлови финалистлари декабрь ойида аниқланади.

Энг яхши фотосуратлар Тошкент Суратчилар уйи кўргазмалар залидаги экспозицияда намойиш этилади.

Республика вилоятларидан ғолиблар Тошкентда бўлиб ўтадиган тақдирлаш маросимига ташкилотчилар ҳисобига таклиф қилинади.

ИШ ЖАДВАЛИ

Танлов эълон қилинган сана — 2006 йил 15 февраль.

Ишларни тақдим этишнинг сўнгги санаси — 2006 йил 25 май.

Ҳайъат иши — 2006 йил 27 май.

Кўргазманинг очилиш санаси — 2006 йил 5 июнь.

Фототанлов ҳақида батафсил маълумот олиш учун ташкилий қўмитага мурожаат этинг: «Атроф-муҳит ва энергия» лойиҳаси.

Тел./факс: 135-78-83, 135-79-30.

E-mail: info@nature.uz; Web-site: www.nature.uz

Қатнашиш аризаси

Исми, шарифи._____

Касби_____

Ёши_____

Манзили:_____

Телефон:_____

Факс:_____

E-mail:_____

№	Оқ-қора фотосурат	Рўйхатга олиш рақами	Рангли фотосурат
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

Мен _____ "Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш" танловининг барча қоидалари билан танишдим ва қўйилган шартларга розиман.

Ушбу билан мен тақдим қилинган ишларнинг муаллифи эканлигимни тасдиқлайман. Агар менинг ишларим саралаш босқичидан ўтиб кўргазмада намойиш этилса, мен муаллифлик ҳуқуқим сақланиб қолган ҳолда келажакда ижтимоий рекламада фойдаланишга розиман.

Сана_____

Имзо_____

25534/901

"БМТ ЭКОЛОГИК КОНВЕНЦИЯЛАРИ" УМУММИЛЛИЙ ТАНЛОВИ

1. УМУМИЙ ШАРТЛАР

"БМТ экологик конвенциялари" танлови Ўзбекистон Республикасининг БМТ экологик конвенциялари олдидаги мажбуриятларини бажарилиши доирасида экологик муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган энг яхши мақола ва фотосуратлар умуммиллий танлови ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш учун туман, шаҳар, вилоят, республика ОАВ журналист ва суратқашлари ҳамда даврий нашрларда мақолалари чоп этилган Ўзбекистоннинг барча фуқаролари таклиф этилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, БМТ Ўзбекистондаги ахборот маркази, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий Осиё экологик журналистика фестивали доирасидаги Миллий танлов ташкилий қўмитаси, Тошкент Суратчилар уйи ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази.

3. АХБОРОТ ҲАМКОРИ

Ахборот ҳамкори — "Экология хабарномаси — Экологический вестник" журнали.

4. ТАНЛОВ МАҚСАДИ

Танловнинг мақсади — Ўзбекистоннинг БМТ қатор экологик конвенцияларига қўшилишида ўзига олган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, экологик муаммолар бўйича хабардорликни ошириш, жамиятни уларни ҳал қилишга жалб қилишдан иборат.

5. ТАНЛОВНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- жамоатчиликка экологик муаммолар моҳияти ва бугунги кундаги ҳолати, шунингдек, Ўзбекистондаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тушунтириш;
- БМТ экология конвенциялари асосида ётган экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўпланган тажрибани ёритиш, экологик таълимотни тарғиб этиш;
- Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича ишларда иштирок этадиган вазирлик, идоралар, шунингдек, илмий институтлар вакиллари билан ОАВ таҳририятлари алоқаларини мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистонда БМТ Тараққиёт дастури қўллаб-қувватлашида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда мазкур мавзуга бағишланган журналистик мақолалар сифатини ошириш;
- лойиҳалар вакилларининг минтақа ва марказий матбуот журналистлари билан доимий учрашувларни кенгайтириш, БМТ Тараққиёт дастури томонидан қўллаб-қувватланадиган қўшма лойиҳалар амалга ошираётган ишлар бўйича ахборот материалларини тайёрлаш;
- Ўзбекистон босма ОАВда (жумладан, интернет-ОАВда) мазкур мавзуда доимий рукнларни юритишни рағбатлантириш.

6. МАҚОЛАЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ:

1. Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш

1.1. Атроф-муҳит ва жамият: ўзаро ҳамкорлик.

1.2. Атроф-муҳит ва иқтисодиёт: бозор энг асосий тартибга солувчи механизм сифатида.

1.3. Атроф-муҳит ва қонунчилик: ҳуқуқий ва институционал тартибга солувчи механизмлар.

1.4. Биохилма-хилликнинг сақлаб қолиниши.

1.5. Парник газлари ва иқлимнинг ўзгариши.

1.6. Ердан барқарор фойдаланиш.

1.7. Шаҳарлар ва атроф-муҳит.

1.8. Саноат ва атроф-муҳит.

1.9. Тоғ саноати ва атроф-муҳит.

1.10. Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит.

2. Сув — Ўзбекистонда критик ресурс.

3. Ўзбекистонда қайта тикланувчан манбалар қувватидан фойдаланиш.

7. ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАРГА ТАЛАБЛАР

Танловга рўйхатдан ўтган маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларида ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида 2005 йил 25 майдан 2006 йил 21 майгача даврда чоп қилинган таҳлилий ва публицистик характерга эга материаллар қабул қилинади.

Талабларга мувофиқ танловга экологик муаммоларнинг ҳозирги ҳолати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мисолларини тарғиб қилиш, экология омилларини умуммиллий ва маҳаллий тадбирлар дастурлари ҳамда хўжалик фаолиятининг турли соҳаларидаги ҳаракат режаларига жорий қилиш, жамоатчилик кенг қатламлари орасида экологик муаммолар ҳақидаги ахборотни тарқатиш, Ўзбекистондаги экологик муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳамда БМТ экология конвенциялари уларни глобал ҳал қилишга йўналтирилганлигини акс эттиришга кўмаклашадиган материаллар қабул қилинади.

Танловга реклама ва буюртма тусдаги мақолалар *қабул қилинмайди.*

Бир муаллиф 3 тадан ортиқ мақола тақдим қила олмайди. Агар мақола интернетда жойлашган бўлса, мақола матнини тақдим қилиш ва интернетда жойлашган манзилини кўрсатиш лозим.

8. ТАНЛОВ ЯКУНИ

Танлов якуни алоҳида йўналишлар бўйича чиқарилади:

- *босма оммавий ахборот воситалари (интернет, ОАВ киради);*
- *фоторепортаж.*

Ҳар 2 та йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати ғолибни (биринчи мукофот) ва шунингдек, иккинчи (иккинчи мукофот) ва учинчи ўринни (учинчи мукофот) эгаллаган иштирокчиларни аниқлайди.

9. ҒОЛИБЛАРНИ ТАНЛАШ МЕЪЁРЛАРИ

Танловга тақдим қилинган ишлар қуйидаги меъёрлар бўйича баҳоланадилар:

- *танловнинг асосий мақсади ва мавзусига материалнинг мослиги;*
- *нашр қилинган материалнинг таъсирчанлиги (жамоатчиликка таъсири, ўқувчиларнинг жавоблари ва бошқалар);*
- *касбий маҳорат, таҳлилий мулоҳазалар, объективлик;*
- *бадиийлик сифати.*

10. ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

Танловнинг асосий мақсадларига мос келувчи материал ва фотосуратлар жўнатган ОАВ редакциялари, шунингдек, танлов иштирокчилари номига БМТ Ривожланиш дастури доимий вакили номидан миннатдорчилик хатлари жўнатилади.

Танлов лауреатлари 2006 йил 5 июнда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган БМТ ривожланиш дастури вакиллари билан учрашувга "БМТ экологик конвенциялари танлови лауреати" дипломлари билан тақдирлаш ва танловни якунлаш тантанали маросимида қатнашиш учун таклиф этилади.

Ҳар йўналиш бўйича танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар:

Биринчи мукофот — телевизор

Иккинчи мукофот — CD плеерли ва радиоприемникли аудиомагнитофон

Учинчи мукофот — уяли телефон аппарати

Ғолибларнинг ишлари VI Марказий Осиё экологик журналистика фестивали миллий танловида иштирок этиш учун қабул қилинади.

VI Марказий Осиё экологик журналистика фестивали доирасида Алмати (Қозоғистон) шаҳрида ўтказиладиган экологик журналистика бўйича махсус танлов (мастер-класс)да иштирок этиш учун журналистлар танлаб олинади.

Танловда иштирок этиш учун ташкилий қўмитага ариза бериш лозим (ариза шакли илова қилинади).

Аризага илова қилинади:

- *3,5 дискида ёки MS Word форматдаги CD-ROM дискида мақолаларнинг матни;*
- *фотосуратлар фотоқоғозда ёки 3,5 дискида ёки JPEG электрон форматда CD – ROM дискида;*
- *танловга материаллар почта орқали юборилади ёки шахсан олиб келинади. Материалларни шахсан олиб келганда ёпиқ конвертларда топширилади ва конвертда "БМТ экологик конвенциялар танловига" деб кўрсатилиши лозим.*

Танловга ишларни топширишнинг охирги муддати — 2006 йил 21 май.

Танловга тақдим қилинган материаллар, фотосуратлар қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Ташкилий қўмита манзили: 700029, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 4, БМТ Ривожланиш дастури вакиллиги ("Атроф-муҳит ва энергия" лойиҳаси учун).

Танлов ташкилий қўмитаси бевосита алоқа телефонлари: 135-78-83, 135-79-30.

"БМТ Экологик конвенциялари" танловида иштирок этиш учун

Ариза

Мақоланинг/фотосуратнинг номи_____

ОАВнинг тўлиқ номи/нашр қилинган вақти ва #_____

_____

материал тақдим қилинган йўналиш_____

Муаллиф ҳақида маълумот

Муаллиф(лар)нинг исми шарифи_____

Туғилган вақти ва жойи_____

Маълумоти _____

Манзили _____

Телефон_____Факс_____E-mail_____

Қўшимча маълумотлар (истак бўйича)

Асосий иш жойи ва мансаби _____

Муаллиф ҳамкорлик қилаётган нашрлар ёки ОАВ бош муҳаррири исми шарифи_____

Муаллиф _____

Мақолалар ёки фотосуратларнинг асосий мавзуси_____

ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН АХБОРОТ:

БМТга аъзо мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича қуйидаги конвенция ва келишувларга қўйилган:

- *иқлим ўзгариши бўйича БМТ Рамка конвенцияси (1993 йилда);*
- *иқлим ўзгариши бўйича БМТ Рамка конвенциясига Киот протоколи (1999 йилда);*
- *азон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси (1993 йилда);*
- *азон қатламини ишдан чиқарувчи моддалар бўйича Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген тузатишлари (1998 йилда);*
- *биохилма-хилликни сақлаш бўйича конвенция (1995 йилда);*
- *БМТнинг чўлланиш билан кураш конвенцияси (1995 йилда);*
- *хавфли чиқиндиларнинг трансчегаравий ҳаракатланиши ва уларни қайта ишлаш устидан назорат бўйича Базел конвенцияси (1996 йилда);*
- *йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо-сотиқ бўйича конвенция (1997 йилда);*
- *кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонлар турларини сақлаб қолиш бўйича конвенция;*
- *атроф-муҳитга нисбатан путур етказувчи ҳарбий ёки бошқа ҳаракатларни таъқиқлаш ҳақида конвенция (1998 йилда).*

25534/901



Банк ва мижоз

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мижозларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжларини биринчи талабданоқ қондириш бугунги кунда банк жамоалари зиммасига юклатилган энг муҳим вазифалардан биридир. Хўш, бу тизим ходимлари ана шу масъулиятни қанчалик ҳис этишаяпти, ўз мижозларига қай даражада хизмат кўрсатишаяпти, мамлакатимиз иқтисодиётининг мустаҳкамланишига қандай ҳисса қўшишаяпти?

Биз АТ «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Бадриддин Насриев билан суҳбат жараёнида бу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Аҳоли учун микрокредитларнинг ўсиш динамикаси



ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Талаб, ижро натижа

— Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарори тизим фаолиятида ижобий ўзгаришлар қилиш борасида катта йўл очди, — деди суҳбатдошимиз. — Ушбу ҳужжат талаблари ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамиз, унинг филиаллари ва мини банкларида муҳим чоратадбирлар режасини белгилаб олдик. Унга кўра, аввало, Қарорнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка, хусусан, қишлоқ аҳлига етказиш учун банкнинг барча филиаллари ва уларга қарашли мини банкларда кўргазмали пештахталар ташкил этдик. Уларда Қарорнинг тўлиқ матни, банк ходимлари томонидан сансалорлик, лоқайдлик ва тамагирликка йўл қўйилган ҳолларда мижоз томонидан мурожаат қилиниши мумкин бўлган «Ишонч телефонлари» рақамлари билан биргаликда шикоятлар учун махсус қутилар жойлаштирилди. Шу асосда эса филиалларда ва вилоят бошқармасида мижозлардан тушаётган шикоят ва эътирозларга жиддий эътибор қаратилди.

— «Ишонч телефонлари»га банк фаолияти билан боғлиқ исталган масалалар бўйича ҳар ким мурожаат қилиши мумкин, — дея суҳбатга қўшилди бошқарманинг пул муомаласи бўлими бошлиғи Хуршид Назаров. — Мисол учун, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида бизга мижозлар 14 марта мурожаат этишди. Улардан фақат биттаси нақд пул муаммоси билан боғлиқ эди. Бу масала ҳам ўз вақтида ечимини топди. Бундай мурожаатлар сонининг кескин қисқариши эса банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг тобора яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Банк фаолияти тарихига бағишлаб ўтказилган танловда самарқандлик «Пахтабанк»чилар «Энг намунали вилоят бошқармаси» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Бундан англашиладики, ходимларимиз зиммаларига юкланган масъулиятни чуқур ҳис этиб жиддий ишлашаяпти.

Бошқарма бошлиғи эришилаётган ютуқлар омилини мижозлар билан ишлашнинг тўғри йўлга қўйилганида, деб билади.

Хизмат, омонат, ишонч

Банк томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани бўш пул маблағларини банкка жалб этишда муҳим ўрин тутаяпти. Асосийси, банк бошқаруви томонидан омонатларнинг янги турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Масалан, **«Маиший тўлов»** жамғарма депозитига маблағлар нақд пул шаклида 2 йил муддатга қабул қилинади. Мазкур омонат турига йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Омонат суммасига тўхталсак, маблағ банкка келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб, фоизлар ҳар ой давомида ҳисоблаб борилади. Бир ойдан сўнг эса уни коммунал тўловларга ўтказилиши йўлга қўйилади. Бунда омонатнинг бошланғич миқдори ҳар ойда тўланадиган коммунал ва бошқа тўловларнинг суммасига нисбатан аниқланади.

«Фаровонлик» муддатли депозити — омонат турига 3 ой ва 6 ой муддатга маблағ топширган мижоз омонат муддатига мутаносиб равишда йиллик 20 ва 22 фоиз миқдорида даромад олади. Шу жумладан, омонат капитализация қилинади. Яъни, ҳар ойда ҳисобланган фоизлар кейинги ойдаги омонатнинг асосий суммасига қўшиб борилади. Омонат эгаси эса маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат эгаси ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоизларни олиб бориши мумкин.

«Барака» муддатли депозитига маблағлар нақд пулда 3 ой, 6 ой, 9 ой ва 1 йил муддатга сақлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат турига сақлаш муддатига мувофиқ равишда 20 фоизгача миқдорида даромад тўланади. Бу омонат турининг ўзига хослиги шундаки, омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг 3 ой учун ҳисобланган фоизларни аванс тариқасида олдиндан ёки депозит муддати мобайнида олиш ҳуқуқига эгадир.

Айнан шундай омонатлар турларининг кўпайиб бориши натижасида жисмоний шахсларнинг банк билан алоқаси тобора мустаҳкамланмоқда. Чунки улар қўлларидаги бўш пул маблағларини банкка қўйишдан манфаат кўришларини аллақачон англаб етдилар.

Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, вилоят бошқармаси бўйича аҳолининг банкдаги омонатлар қолдиғи 3,5 миллиард сўмни ташкил этганди. Орадан уч ой ўтиб, бу кўрсаткич 3,8 миллиард сўмга етди. Бу — бир чорак мобайнида 108 фоиз ўсишга эришилди, дегани.

2-диаграмма

Терминал ва пластик карточкалар сонининг ўсиш динамикаси



Пластик карточкалар — кафолатли тўлов гарови

Бошқарманинг биринчи қандай муаммо йўқ.

Бошқа мижозлар ҳам шундай фикрларни билдиришди.

Дарвоқе, бугунги кунда пластик карточкалар — сифатли ва жаҳон андозаларига мос хизмат тури. 2005 йилда банк томонидан 32 минг дона шундай карточкалар мижозларга тарқатилган бўлса, бугунги кунда эса Самарқандда «Пахтабанк» пластик карточкаларидан фойдаланаётган мижозлар сони 37 мингтага етди.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида вилоят бўйича савдо, ёнилғи қуйиш шохобчалари, дорихоналар ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларда 120 та терминал ўрнатилган. Ўтган йил давомида ана шу терминаллар орқали 1,6 миллиард сўмлик ҳисоб-китоблар амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида улар 1,3 миллиард сўмлик ҳисоб-китобларнинг бажарилишига хизмат қилди.

Жорий йил мобайнида эса банк томонидан яна 15 мингта пластик карточка тарқатилиши режалаштирилаётир.



Аҳоли учун микрокредитлар афзалликлари

Банк кредитлари афзаллигини улардан тўғри фойдалана олганларгина билади. Шу сабаб ишнинг кўзини билганлар доимий равишда банк билан ҳамкорлик қилишга интилишади, маълум муддатга қарзга олинган сармоянинг ҳар бир сўмини ўз ўрнида ишлатиш пайидан бўлишади. Лекин кредитнинг қайси мақсад ва йўналиш бўйича олиниши аслида кўп нарсани ҳал этади. Айтайлик, ўтган йилларда мазкур банкда биргина таълим кредитлари жорий этилган эди. Эндиликда эса аҳоли учун микрокредитлар ҳам йўлга қўйилди.

Бундай кредитларнинг афзалликлари нимада?

— Асосий мақсад маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларни таклиф этишдир, — дейди бошқарма бошлиғи. — Айни пайтда мижозларнинг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун бир қанча саноат корхоналари билан шартномалар имзолаганмиз. Бундай шароитда ҳар икки томон — сотувчи ҳам, олувчи ҳам наф кўриши аниқ. Негаки, корхона маҳсулоти омборда туриб қолмайди, мижоз эса маблағ излаб овора бўлмайди.

Банк дастлаб Самарқанд шаҳридаги «Сино» акционерлик жамияти ва Тошкент шаҳридаги «Ройсон» қўшма корхонаси билан ҳамкорлик ўрнатган эди. Ҳозирги кунда эса, «Эл холдинг» масъулияти чекланган жамияти билан юк мотороллерларини харид қилиш ва шартнома имзолаш бўйича амалий ишлар олиб борилаяпти.

— Оиламизга яна бир янги музлатгич сотиб олиш ниятида эдик, — дейди пайариқлик пенсионер Абдухалил Қодиров. — Ана шундай пайтда «Пахтабанк»нинг микрокредити ҳақида эшитиб қолдим. Банкдагилар эса бу кредитни расмийлаштиришда яқиндан ёрдам беришди.

Қўшработ тумани марказий касалхонаси шифокори Ҳусан Сайфуллаев, шу тумандаги 82-мактаб ўқитувчилари Баҳодир Абдувоҳидов, Матлуба Ражабова, Васила Маҳкамова, Ҳафиза Шерматова ҳамда ургутлик шифокор Хушвақт Юсуповлар ҳам «Истеъмол» кредити олишда ҳеч қандай расмиятчиликка дуч келишмаганини, банк хизматидан мамнун эканликларини баён этишди. Улардан бири ҳатто кредит ҳисобига телевизор, бошқаси эса музлатгич олганлигини, кредитнинг бу турига бошқаларнинг ҳам қизиқиб қолишганини гапириб беришди.

Банк томонидан бутун 2005 йил давомида республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмлари ҳамда аҳоли эҳтиёжига зарур бошқа жиҳозларни сотиб олиш учун 280 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. Жорий йилнинг дастлабки уч ойида эса бу кўрсаткич 360 миллион сўмни ташкил этди.

Хорижлик шериклар мадади

Хорижий банклар билан ҳамкорликнинг йил сайин яхшиланиб бораётганлиги кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти. Хусусан, бошқарма аҳли Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган йиллар мобайнида биргина ЕТТБ кредит линияси орқали 2,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

Чунончи, хусусий тадбиркорлик субъектлари — «Рашид Алиев», «Акрам Шарипов», «Пўлат Бегалиев», «Суҳробхон» ва «Қирмиз» хусусий фирмалари «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармасидан хорижий банкларнинг линиялари орқали 6,2 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача кредит олишган эди. Эндиликда улар ана шу кредитлар ҳисобига макарон маҳсулотлари ва печенье ишлаб чиқариш, автомобилларга хизмат кўрсатишни ташкил этиб, дурустгина даромад олмоқдалар.

***

Акционерлик тижорат «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси, айтиш мумкинки, жорий йил биринчи чорагида барча кўрсаткичлар бўйича кутилган натижаларни қўлга киритди. Аниқроғи, янги йилнинг дастлабки ойлари улар учун жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Аммо банк ходимлари бу ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмас. Улар мамлакатимизда босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида янада фаолроқ иштирок этиш ниятидадирлар. Шу мақсадда жамоа аҳли аниқ ва мақсадли режалар асосида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



1-диаграмма

Аҳоли омонатларининг ўзгариш динамикаси



Фестиваль

Хўқанди Латифнинг кўҳна, не-не сирли-синоатли воқеаларга гувоҳ бўлган Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғи ўтган ҳафтанинг шукуҳли шанба оқшомида нафақат кўҳна шаҳарнинг, балки Фарғона водийси ёшларининг марказига айланди, десак ишонаверинг. Чунки боғ ҳудуди, Ҳамза номидаги мусиқали драма театри, амфитеатр майдонлари баҳорий руҳ ва кўркамлик уфуриб турган гуллар, шиорлар, қадимий битиклар билан безатилган. Ҳар қадамда мустақиллигимизни, Ватанимизни улуғловчи, оналарни, кексаларни эъзозловчи ранг-баранг плакатлар кўзга ташланади. Минглаб чироқлар, миллионлаб камалакона рангдаги шарлар эса бу кўҳна заминга ўзгача шукуҳ бағишлайди.



«ОНАЛАР ОРЗУСИ — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ»

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Ватан манфаати — улуғ ва муқаддас» шиори остида вилоят бўйича ўтказилаётган фестивалнинг якуний босқичи — Қўқонда якунланганлиги бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз тараққиёти, илм-фан, маданияти, адабиёти ривожида бу кўҳна шаҳарнинг ўз ўрни ва салоҳияти бор. Шу куни юзларидан нур ёғилиб турган отахонлар, кайвони онахонларнинг ёшлар, ўқув юртлари талабалари, коллеж ва мактаб ўқувчилари билан қизғин баҳс-мунозаралари, юртимизда рўй бераётган катта ўзгаришларга муносабат билдираётган суҳбатларининг гувоҳи бўлдик. Улар учун «Оналар орзуси — фарзандлар камоли» шиори остида ўтказилаётган фестивалнинг бош майдони — амфитеатрда алоҳида жой ҳозирланиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Фестиваль бошланишидан аввал отахон-онахонлар юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт учун қўлларини дуога очдилар. Шундан сўнг боғ узра уд-карнай-сурнай садолари ёшларнинг шодон қийқириқлари ва хитобларига қўшилиб кетди. Осмонга тинчлик рамзи бўлган кабутарлар, ранг-баранг шарлар кўтарилганда осмонимиз мусаффо, покиза ва осойишта эканлигига яна бир карра имон келтирдик. Шундан сўнг бу кенг кўламли тадбирда ватанпарварлик, эл-юртга муҳаббат, истиқлолни асраш ва авайлаш, фидойилик ва матонатни мадҳ этувчи куй ва қўшиқларга уйғунлашиб кетган катта бадиий дастур намойиш этилди. Қўқонлик ёш истеъдод ва иқтидор эгаларининг чиқишлари Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Шаҳло Рустамова, хушовоз хонандалар — Нодир Лутфуллаев, Валижон Қодировларнинг юртни шарафловчи қўшиқлари билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Ватанимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаётган аскарларнинг машқлари «Сарвиноз», «Қир гуллари», «Радуга» халқ ансамблларининг чиқишлари билан бир пайтда бир майдонда намойиш этилганлиги ёшларнинг нияти-истаги, тилаги фақат тинчлик, осойишталик, муқаддас Ватанни кўз қорачиғидек асраш эканлигидан далолат бўлди. Ёш спортчилар, истеъдодли ёшлар эса эртанги кунги олимпиада ва жаҳон чемпионлари орамизда эканлигидан хабар бериб турди.

Сўнгра фестиваль руҳи шаҳарнинг 50 дан зиёд маҳалла ва гузарларига кўчди. «Хўқанди Латифнинг диловор оқшомлари» шиори остида анъанавий кечалар ҳам бошланиб кетди.

— Бутун умрим шу она шаҳрим камоли билан бирга кечди, — дейди «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Мусожон ота Жўраев. — Бундай улкан, кенг миқёсдаги тадбирлар тез-тез ўтказиб турилса, ҳеч шубҳасиз, ёшларнинг, ўқувчиларнинг эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббати яна ҳам ортади. Уларни турли ғаразли оқимлар, ғояларга қўшилиб кетишларининг пайи қирқилади.

— Биз бутун курсимиз талабалари билан ушбу фестивални орзиқиб, интиқиб кутган эдик, — дейди Қўқон давлат педагогика институти 4-курс талабаси Маликахон Азимова. — Фестиваль биз кутгандан ҳам файзли, шукуҳли, уюшқоқлик билан ўтди. Дастлаб томошабин сифатида ўтирган бўлсак, кейин биз ҳам иштирокчилар сафига қўшилиб кетдик. Шундай тадбирлардан кўнглинг яйрайди, тинч, осойишта заминда яшаётганингдан, таълим олаётганингдан беихтиёр ғурурланиб кетасан.

Нуроний отахон, иқтидорли талабанинг дилларидан кечган бу самимий сўзларни ўша куни ҳар бир қўқонликнинг юз-кўзи ва юриш-туришидан уқиб олиш мумкин эди.

Фестивалда Фарғона вилоят ҳокими Шермат Нурматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: фестиваль кўринишларидан лавҳа.

Суддан кейинги ўйлар

... Мана, икки йилдирки, тошкентлик Машкура опа ва Тоҳир ака Ҳакимовлар фарзанд доғидан изтироб чекишмоқда. Онасидан жудо бўлган ширин-шакар икки набирасининг: "Ойижон-ойижон!" деб бўзлашларидан, 26 ёшли жигарбандларининг умри эрта хазонга айланганидан қайғуришмоқда.

Мотамсаро ота-онанинг таҳририятимизга йўллаган мактуби билан танишиб, очиғи, ҳайратландим. Кўнглимдан "Наҳотки, кимларнингдир наздида инсон қадри шунчалик арзимас бўлиб қолган?" деган ҳазин ўйлар кечди. "Биз қачондан буён бировлар қисматига бунчалар лоқайд бўлиб қолдик?" деган саволлар исканжасида қолдим.

Гапнинг индаллоси яхши...

ЎЛГАННИНГ УСТИДАН ... ДАВОЛАШ

Учтепа туманида яшовчи Муаттар Ҳакимова 1997 йили Алишер Икромовга турмушга чиққанди. Яқинлари ва қўни-қўшниларининг айтишича, уларнинг турмушлари бинойидеккина эди. Эру хотин аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечиришарди. Энг муҳими, бирор марта ҳам жиддий касаллик билан оғришмаганди. Аммо 2004 йилнинг октябрь ойи охирида Муаттар уйидагиларига боши бироз оғриётганидан нолийди. Эртаси тумандаги 6-оилавий поликлиникага боради. Унинг соғлиғини текшириб кўрган шифокор Фотима Алиева касалхонага ётиб, даволанишни маслаҳат беради. Муаттар бу таклифни рад этади.

Ким билсин, эҳтимол, у уйидагиларни ташвишга қўймайин, ортиқча чиқимдор қилмайин, деган ўй-истиҳолага боргандир. Орадан кўп ўтмай, аниқландики, ҳудуд поликлиникасида беморнинг аҳволи жиддий текширилмаган, рентгендан ўтказилмаган. Мана шу бепарволик кейинчалик жуда-жуда қимматга тушди: ёш жувоннинг умрига зомин бўлди.

Муаттар Ҳакимованинг ўлими юзасидан жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судида бўлган суд мажлисида 6-оилавий поликлиника шифокорларидан бири М. Абдуллаева гувоҳ сифатида сўроқ қилинди. У: "Агар беморни рентгенда текширсак, ҳомиласига зиён етиши мумкин эди", дея кўрсатма берди.

Биз шифокорнинг рентген ҳақидаги гапларига тўлиқ қўшиламиз. Айни чоғда, бир мулоҳазани айтишни лозим деб ўйлаймиз: модомики, беморнинг соғлиғи яхши эмас экан, шошилинч чораларни қўллаш мумкин эди-ку!

Тўғри, кейинги сафар Муаттар 6-оилавий поликлиника шифокорлари қўйган "Юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, сурункали тонзилит, катарал яллиғланиш, кам қонлик, 4-ҳомила, 23-ҳафта, туғиш учинчи, диффуз бўқоқ, 2-даражаси эутериоз" ташхиси билан "Она ва бола" скрининг марказининг экстрагенитал касалликлар бўлимига юборилади. Марказда Муаттарни илгаридан танийдиган, кам қонли эканлигини яхши биладиган бўлим мудири Гулнора Қосимова қабул қилади. Орадан икки соат ўтгач, аниқроғи, беморнинг иссиғи тушганидан сўнг, уни назорат қилиш ва ҳолидан хабар олишни катта ҳамшира А. Аҳмадғозиевага топширади. Аммо Муаттарни шошилинч амбулатория текширувидан ўтказмайди.

Муаттар билан бир палатада ётган Ўктамхон исмли аёлнинг ёзма равишда гувоҳлик беришича, у тунда аъзои бадани қизиб кетаётганини, аллергия қийнаётганини айтиб, устки кийимларини ечиб ташлайди. Томоғи бўғилаётганидан зорланавергач, Ўктамхон шифокорларни ёрдамга чақиради. Навбатчи шифокорлар эса, беморнинг уйидагиларига хабар бермасдан ва маслаҳатлашмасдан уни зудлик билан 10-туғруқхонага олиб боришади. Бироқ жони азобда қолган бемор ўша заҳотиёқ эмас, икки-уч соатдан кейин жарроҳлик столига ётқизилади. Унинг операциядан омон чиқмаганига, балки мана шу кечикиш сабабчи бўлгандир!..

Энг даҳшатлиси, ота-онаси туғруқхонага келишганида, уларга Муаттарнинг жони аллақачон узилганини айтишмайди. Аксинча, ҳеч нарсадан тап тортмасдан, лоақал Худодан қўрқмасдан, дори-дармон олиб келишларини буюришади. Гўё ўлганнинг устидан ... муолажа ўтказмоқчи бўлишган.

Дилбандининг ўлими Машкура опага — онаизорга қаттиқ таъсир қилди. Уйқусидан ҳаловат, турмушидан тароват йўқолди. Унга қизининг фожеаси бир таъсир қилган бўлса, Муаттарни билган, кўрган, ташхис қўйган шифокорлардан бирортаси келиб, кўнгил сўрамагани икки карра алам қилди. Дастлаб қизининг ўлимини Худонинг хоҳиш-иродаси деб ҳисоблаган муштипар она бора-бора шифокорларнинг ўзларини олиб қочишларидан шубҳаланди, ажабланди, эзилди. У ёкқа югурди-бу ёкқа югурди, идорама-идора зир қатнади. Ахийри, кечроқ бўлса-да, уни эшитадиганлар топилди...

Судда бир қанча шифокорлар, гувоҳлар сўроқ қилинди. Анча вақт ўтганига қарамай, майит экспертиза текширувидан ўтказилди. Пировардида ҳақиқат юзага чиқди. Мутахассислар қуйидагича хулоса беришди: беморни ўлимдан асраб қолиш имконияти бор эди. Вақтида ҳаракат қилинганда, ташхис қўйишга виждонан ёндошилганда, у тирик қоларди. Аммо судланувчи Гулнора Қосимованинг жонига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори оро кирди. Мазкур қарорга мувофиқ суд унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатди.

Ва яна бир гап: судда жуда кўп киши сўралди, савол-жавоблар бўлди. Фақат иймон сўроқ қилинмади, виждон устидан тергов ўтказилмади. Мабодо, инсон вужудидаги ана шу ХОЛИС томонлар — виждону иймонни сўроқ қилиш имкони бўлганда эди, шубҳасиз, ҳаммаси ойдинлашарди.

Бундан қатъи назар, бир нарса аниқ: бу қайтар дунёда ҳеч нарса изсиз қолмайди. Вақти-соати етиб ҳар ким қилмишига яраша жавоб беради. Фақат афсусланарли томони — марҳумлар ҳеч қачон тирилиб келмайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қўшхабар

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

Ёшларнинг касб эгаллаб, ҳунар ўрганишлари учун мамлакатимиздаги ўрта-махсус билим юртларида катта имкониятлар яратилган. Жумладан, уларни касбга йўналтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чимбой педагогика коллежида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни" ҳам бу борадаги муҳим тадбирлардан бири бўлди. Умумтаълим мактабларининг 9-11-синфларида таҳсил олаётган ўғил-қизлар ҳамда уларнинг ота-оналари тумандаги мавжуд олтита касб-ҳунар коллежи фаолияти билан яқиндан танишдилар. Улар ўқув хоналари ва лабораторияларда ўтаётган машғулотларда иштирок этишди. Тайёрланадиган ихтисосликларнинг истиқболи, иш билан таъминланиш имкониятлари ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Шу куни кўплаб ёшлар келажакда қандай касб эгаси бўлишини белгилаб олди.

МИРЗАГУЛ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларнинг тафаккурини бойитиш, иқтидорли, билимдон ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов ўз ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Ёш истеъмолчи" танловининг Қорақалпоғистон босқичи ҳам қизиқарли ўтди.

Танлов шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш қилган нукуслик Мирзагул Худойбергенова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

МАЗ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.



Барча автотехникалар учун кафолат берилади.

Лизингга ҳам!

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O`zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиғли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганлиги ва ишлаб турганлигини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган, янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб кабель магистраль линиялари ўтган жойлари ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши, алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Агарда қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., Ашхабод к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-б уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш

Жумладан:
- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

www.ite-uzbekistan.uz



ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ

1-Ўзбек халқаро КЎРГАЗМАСИ

POWER UZBEKISTAN 2006

16-18 МАЙ 2006

Тошкент, Ўзбекистон
Интерконтиненталь меҳмонхонаси

Ташкилотчилар:

ITE UZBEKISTAN   ITE GROUP PLC

ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 151 21 64
E-mail: power@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz

Ўзбекистон энергетика соҳасидаги муҳим воқеа!



Спорт

У Шаҳрихондаги 48-мактабнинг биринчи синфида таҳсил олади. Билимга чанқоқлиги билан тенгқурларидан ажралиб турадиган болакай отаси тенги шахматчиларни ҳам доғда қолдираётгани ҳайратланарли. Туманда Отабек Мамадалиевга ўхшаш иқтидорли спортчи ёшлар жуда кўп.

— Отабек ҳақида кўп эшитгандиму аммо ўзини кўрмагандим, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Абдунаби Нишонов. — Тенгқурлари қатори оддийгина қишлоқ боласи. Шахмат тахтасига доналарни териб, ўйнашга таклиф этдим. Тўрт-беш юришдаёқ кучли рақибга дуч келганимни англаб етдим. Сергак тортдим. Шундай шиддатли, айни пайтда нафис юришлар қилдики, таслим бўлишдан бошқа чорам қолмади.

РАҲБАРНИ МОТ ҚИЛГАН ОТАБЕК

Мудирнинг тан бергани-ча бор. Шахматнинг сеҳрли оламига дадил кириб келган болакай ҳали мактаб остонасига қадам қўйиб улгурмай қишлоқдаги не-не ҳаваскор спортчиларни доғда қолдирди. Мактабга келгач турли мусобақаларга таклиф этилиб, ғолибона юришларини давом эттирди. Вилоят биринчилиги учун 14-15 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган беллашувларда якка пешқадам бўлиб олди.

Бўлар бола бошидан маълум дейдилар. Бу бор гап. Лекин ўша иқтидорли болага етарли шарт-шароит яратиб берилмаса, рағбатлантирилмаса, ғамхўрлик кўрсатилмаса у кул остидаги чўғдай қолиб кетаверади. Не бахтки, бугуннинг ёшлари ҳамма қулайликлардан баҳраманд бўлаётир.

Педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бўлганимизда кенг-мўл ўйингоҳларни, ёпиқ спорт залларини, ёшларнинг қийчувига тўлган мажмуаларни кўриб очиғи ҳавасимиз келди. Ўқув даргоҳи ёнида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бўлиб, етти ёшли Шаҳзоднинг брусдаги машқларидан ҳайратландик. Кичик жуссали Шаҳзод ёғочга тортилиш, азот кўтарилиб айланиш, икки қўллаб тик туриш учун ўзида қандай куч топа олди экан? Ўн бир ёшли Омончи?

— Тинимсиз машқлар ҳосиласи бу, — изоҳ беради жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдумалик Мамадалиев. — Шаҳзодга ўхшаб ёшлигидан спорт гимнастикаси билан шуғулланаётган йигирма нафар шогирдим бор. Уларнинг кўпи бугун нуфузли беллашувларда туманимиз, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Ёш акробатчиларимиз ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилиги баҳсларида ғолибликни эгаллашди.

Биринчи бўлиш қандай яхши. Лекин жамоавий ғолибликдан ташқари оммавийликка интилиш ундан-да яхши. Дўлан маҳалласи болалари, 44-мактабнинг кўплаб ўқувчи ёшлари дарсдан кейин спорт даргоҳининг бағрикенг залларига жамланишар экан. Катта теннис корти, футбол ўйингоҳи, югуриш йўлакчалари, турник атрофи ҳамиша шинавандалар билан гавжум.

— Қизларимизнинг яна-ям латофатли, соғлом бўлишларига эришиш учун жойларда бадиий гимнастика секцияларини очишга киришдик, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Икромитдин Валиев. — Очиғи, бу соҳани ривожлантириш учун малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда. Спортнинг гўзал, нафис турига ихлосманд бўлган ўнлаб қизларни танлаб олдик ва улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этдик. Шаҳрихондан ҳам тўрт нафар қиз бадиий гимнастика "сир"ларидан сабоқ олди. Энди улар учун болалар боғчаларида махсус гимнастика заллари ташкил этиб берилади. Ҳафтасига икки мартадан машғулотлар олиб борилади.

Туманда мактабгача ёшдаги ва бошланғич синфларда ўқиётган болакайларни спортга жалб этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Тўғрида, бола ёшлигидан чиниқиб ўсса, жисмоний машқларни қиёмига етказиб бажаришнинг ҳадисини олса, бардам ва жисмонан етук бўлиб улғаяди. Шу мақсадда спорт анжомларини етарли миқдорда таъминлаш учун 5 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Спорт мактаби 25 миллион сўм маблағ ҳисобига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Спорт секциялари сони, вилоятда энг юқори кўрсаткич, 186 тага етди. Бугун ўша секцияларда 2512 нафар бола бокс, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика билан шуғулланаётир.

Шаҳрихон ўзининг номдор футболчилари, полвонлари, шахматчилари билан машҳур. От изини той босади деганларидек, устозлар яратган ғолиблик мактаби анъаналарини эндиликда Адолат Марасулова, Фазода Қорабоева сингари абжир, чаққон ёшлар давом эттираётгани янада қувонарли. Каратэ бўйича мамлакат биринчилиги баҳсларида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган бу қизлар изидан ўнлаб, юзлаб Отабеклар, Шаҳзоду Омонлар бораётгани унданда қувонарли.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...»

Германиянинг Галле шаҳрида «Чемистер кап» — бокс бўйича ўсмирлар ўртасида 34-халқаро мусобақа ниҳоясига етди.

Уни мутахассислар «мўъжаз жаҳон чемпионати», деб ҳам аташади. Мусобақаларда Австралия, Болгария, Венгрия, Германия, Ирландия, Қозоғистон, Литва, Монголия, Польша, Россия, Украина, Чехия ҳамда Ўзбекистон вакилларидан иборат жами юздан зиёд ёш боксчи иштирок этди.

Бокс бўйича ўсмирлар терма жамоаси вакиллари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ш.Худойбердиев шогирдлари — Қ.Қосимов, Ж.Сувонқулов, ўтган йилги жаҳон чемпионати кумуш медалининг соҳиби Д.Маҳмудов, Р.Худойназаров, Э.Расулов ҳамда Р.Саитов мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Қозоғистон, Украина, Польша, Болгария, Германия ҳамда Монголия вакилларини мағлубиятга учратган ҳолда Ж.Сувонқулов ҳамда Э.Расулов мусобақанинг финал босқичига йўлланма олишга муваффақ бўлди.

Юртдошимиз Ж.Сувонқулов ярим финал жангида ўнг қўзидан жароҳат олган эди. Шунга қарамай, у финалда украиналик А.Ключко устидан ғалаба қозониб, мусобақанинг олтин нишонига сазовор бўлди. Яна бир боксчимиз Э.Расулов кумуш нишон соҳиби бўлди.

— Кейинги йилларда ўзбекистонлик боксчилар Германияда ўтказилаётган турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда, — деди «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Германия бокс федерацияси президенти Х.Ранце. — Юртингиз боксчилари ўз маҳорати билан Германияда донг таратиб улгурган. «Чемистер кап» анъанавий халқаро турнири А.Григорян, Р.Чагаев, М.Абдуллаев ва ўзбек бокс мактабининг бошқа вакиллари машҳур бўлган профессионал рингга элтувчи ўзига хос трамплин ҳисобланади.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон АА» мухбири.

Берлин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

тезкор пул ўтказмаларининг янги

«ОСИЁ ЭКСПРЕСС»

турини таклиф этади.

Пул ўтказиш Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида амалга оширилади. Пул ўтказилганлиги учун сумма қанчалигидан қатъий назар 2 фоиз ҳақ тўланади.

Сиз 10 дақиқа ичида бутун республикамиздаги Миллий банк филиали ёки бўлими орқали маблағларни жўнатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат этинг: 134-14-14 ёки 144-35-56.

Денежные переводы
АзияЭкспресс

ISO 9001

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55,
132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

«Яшашни истасанг, пулдан чўз!»

Қашқадарё вилояти ИИБга қаршилик И. Исмоил ва унинг фарзандларини ўлдирмаслик эвазига катта миқдорда пул талаб қилаётган шахслар ҳақида маълумот тушди. Кўп ўтмай гумондорлар жабрланувчидан 400000 сўм олаётганларида ушландилар. Улардан бири 1959 йилда Косон туманида туғилган Т. Абдурашид, иккинчиси 25 ёшли А. Нурилла экан.



От ўғриси

Номаълум шахс Қуйи чирчиқлик Бойманбетовнинг ҳовлисидан тўртта отни ўғирлаб кетганди.

Қидирув-суриштирув ишлари ниҳоясида ўғри топилди. У шу туманда яшовчи И. Тоғабеков бўлиб чиқди. У от ўғриси деган ном олиб, жавобгарликка тортилди.

Қотил яраланди

Шаҳрисабзлик муқаддам судланган И. Зокир яна жиноятга қўл урди. У бир кишининг умрига зомин бўлиб, иккинчисига оғир тан жароҳати етказганча қочиб кетди. Унинг изига тушган тезкор ходимлар қунма-кун таъқиб қилиб бордилар. Ниҳоят, 19 апрель куни соат 23 дан 30 дақиқа ўтганда жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили Улуғбек Жабборов қотил билан юзма-юз тўқнашди. Қўлга тушишни истамаган И. Зокир иккала қўлига пичоқ олиб, ҳужумга ўтди. Унинг ҳамласига чап берган У. Жабборов қуролидан иккки бор осмонга ўқ отиб, огоҳлантирди. Бироқ жиноятчи парво қилмай, яна қаршилик кўрсата бошлади. Шундан сўнг катта тезкор вакил охирги чора сифатида уни отиб яралади ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, касалхонага олиб борди.

Исмоил МИНОВАРОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	19% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	19% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	19% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой)	20% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой)	20% йиллик
"Наврўз" (2 ойга)	20% йиллик
"Табассум" (45 кунга)	20% йиллик
"Умид" (камида 3 ой)	20% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой)	20% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

АҚШ доллари

6 ойдан — 1йилгача	
1000 АҚШ долл. дан 2000 АҚШ долл. гача	7,5% йиллик
2000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	8,5% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	9% йиллик

ЕВРО

1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан ортиқ	
1000 ЕВРО дан 5000 ЕВРО гача	4% йиллик
5000 ЕВРО дан юқори	4,5% йиллик

Маълумот учун тел.: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26

БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

BELARUS

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали



МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА



ва упар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Тошкент автомобиль йўллар институти ректорати Малака ошириш факультети декани Ш. Ҳамидовга падари бузруквори

ҲАМИД отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси кинооператор Абдуҳаким Қориевга волидаси

Ёдгорой ҚОРИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси «To'rtinchi» МЧЖ стоматологик поликлиникаси жамоаси жамият раисининг муовини Аббос Умаровга онаси

ЗАМИРА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Бекқулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6